Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур.

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 29-iyun, juma * № 27-28 (1089-90) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган мухтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиш, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради.

Энг муҳими, соҳа ривожида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Газеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошкоралик, таҳлил ва холис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. **Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур.** Бу – замон талаби, ислоҳотларимиз талаби.

Биринчи навбатда медиа тармоқлари фаолияти самарасини ошириш, уларни халқ билан мулоқотнинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Шу мақсадда парламентимиз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб борилаётгани айниқса эътиборлидир.

Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, қалам ҳақи миқдорини ошириш, ижодий жамоалар билан йирик компаниялар ва хўжалик бирлашмалари, банклар ўртасида “дўстлар клублари”ни ташкил этишга қаратилган амалий ишларимизни таъкидлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида яқинда катта умидлар билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этганимиздан хабарингиз бор.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатехнологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Ҳозирги вақтда ҳаётимизда амалга оширилаётган модернизация ва янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказиш, одамларни янги марралар сари сафарбар этиш, олдимизга қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларигина қодир бўлади.

Биз жамиятимизда ошкоралик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз.

Айниқса, ҳаёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўргатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кўпчиликка ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, соҳа ривожига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЮКСАК ИШОНЧ ВА РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ



ЎзА фотоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлигини ошириш, жамиятда демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Соҳа ходимлари мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритиш, аҳолига ҳаққоний ва холис ахборотларни етказиш борасида самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бу йил тарихимизда биринчи марта ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ходимлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Бу байрамга ўзгача шукуҳ ва кўтаринки руҳ бағишлади. Тадбирда Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва матбуотнинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлади. Соҳа ходимларининг меҳнати муносиб тақдирланаётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирилди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизда демократик қадриятлар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига холис ва ҳаққоний ахборот етказиш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, модернизация жараёнларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирлансин:***

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ”

**Рашидов Асил** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон, публицист

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ”

**Жалилов Норқобил Қодирович** – “XXI аср” газетаси бош муҳаррири

**Маҳмудов Фарҳоджон Шавкатович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали бош муҳаррири

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ”

**Раҳмонов Ваҳоб** – Адабиётшунос, муҳаррир-ношир

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдухаликов Фирдавс Фридунович** – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси

**Алихонов Бобир Ботирович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази директори

**Вакилов Шерпулот Жўрабоевич** – “Овози тожик” газетаси бош муҳаррири

**Қўчқоров Юнусали** – Наманган тумани “Истиқлол” газетаси муҳаррири

**Ҳайдаров Уйғун Туйчиевич** – Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси бош муҳандиси

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдижамилова Умит Сапарбаевна** – “Қорақалпоғистон” телеканали Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Азимов Алишер Тўхтасинович** – “Daryo.uz” веб-сайти бош муҳаррири

**Бадалов Алишер Норматович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси диктори

**Ғуломов Шамшодбек Ҳамидович** – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси ўринбосари – бош директор

**Лешинская Татьяна Владиславовна** – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

**Маҳмудова Гўзал Қорабоевна** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Таржима таҳририяти етакчи таржимони

**Муҳаммадхонов Нодирхон Баҳодирович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали диктори

**Нурметова Зулайха** – Элликқалъа тумани “Давр кўзгуси” газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ҳосилова Маруса Атоқуловна** – “Табиат ва ҳаёт” газетаси муҳаррири, Навоий вилояти

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларидаги фаол иштироки, кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни она юртимизга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Баграмов Станислав Владимирович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали шарҳловчиси

**Ёмғурова Гулжаҳон Эгамовна** – Бўка тумани “Халқ овози” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

**Жўраева Барчиной Мусалламовна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Жўраев Носиржон Жамолиддинович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Мусаев Жанибек Жамбулович** – “UzReport” ахборот агентлигининг “UzReport.news” веб-сайти муҳаррири

**Очилов Аҳрор Шукруллаевич** – “Ватанпарвар” газетаси бўлим мудири

**Самадов Ғуломжон Хурсандович** – “Халқаро Пресс-клуб” нодавлат-нотижорат ташкилоти бош продюсери

**Сулаймонов Асролжон Ғафурович** – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси масъул котиби

**Тожиалиев Давронбек Рустамович** – “ziyouz.uz” веб-сайти бош муҳаррири

**Тўйчиева Доно Оқиловна** – Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи корректори

**Турсунов Зафар Рихсибоевич** – “Radio Poytaxt” масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири

**Умарова Наргиза Баҳодировна** – “Ёшлар овози” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Шаропов Абдуллажон Турғунович** – “Akademnashr NMM” нашриёти бош муҳаррири

**Эрматов Азизжон Ғаниевич** – Учкўприк тумани “Янги Фарғона” газетаси муҳаррири, Фарғона вилояти

**Юнусов Баҳодир Махсутович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази бош муҳаррири

**Ҳасанов Ғолиб Матлабович** – “Зарафшон” – “Самаркандский вестник” газеталари бош муҳаррири ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 июнь



Шолазиз Шохидоев олган сурат

# ЮКСАК ИШОНЧ ВА РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Қайд этилганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоялаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Президентимизнинг 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар вакиллари билан ўтказган учрашувда илгари сурган ғоя ва таклифлари мамлакатимиз ижодий ташкилотлари фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари соҳани янада ривожлантириш ва ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1500 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Улардан 700 га яқини газета, 309 таси журнал, 65 таси телевидение, 35 та радио, 4 та ахборот агентлиги, 15 таси ахборотнома-бюллетень, 395 таси веб-сайтдан иборат. Мавжуд телерадиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг 50 фоиздан зиёдини нодавлат ахборот воситалари ташкил этади. Мустақилликдан аввал республикамизда 395 та оммавий ахборот воситаси бўлиб, уларнинг деярли барчаси давлатга қарашли эди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, тараққиётнинг муҳим омилларидан бўлган фикрлар ранг-баранглигининг шаклланишида оммавий ахборот воситалари салмоқли ўрин эгалламоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар замон талабига мос кадрлар тайёрлаш масаласини юзага чиқармоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 май куни «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги тарихий ҳужжат бўлди.

Мазкур қарорда оммавий ахборот воситаларининг барча турлари учун кадрлар, жумладан, бир неча хорижий тилларни биладиган халқаро журналистлар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш университетнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланган. Дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнида ахборотнинг ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, миллий журналистикамизнинг тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимиз ахборот сиёсатини такомиллаштириш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш муҳим йўналишлардан саналади.

Соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, янги-янги ижодий парвозлар сари чорлаш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Шу куни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига ҳам мукофотлар топширилди.

Байрам тадбири иштирокчилари учун Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари ижросида машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асари асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди.

Шу куни Тошкентнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида байрам сайллари давом этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ"
## ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

**1. Усмонов Саидносир,**
**"Yoshlar" телерадиоканали "Davr" ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири**
Жойлардаги ижтимоий муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган таҳлилий-танқидий кўрсатувлари учун

**2. Ражабова Шоира,**
**ЎзМТРК "O'zbekiston-24" телерадиоканали катта муҳаррири**
2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш жараёнини ўзида акс эттирган туркум эшиттиришлари учун

**3. Қаллиханова Лолагул,**
**«Nukus-FM» радиоси информацион бўлими бош муҳаррири**
Қорақалпоғистонда демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг самаралари ҳақидаги материаллари учун

**4. Нурмуҳаммедова Мўътабар, ЎзЭОАВМА "Sevimli TV" телеканалининг Самарқанд вилояти мухбири,**
Долзарб ижтимоий-маънавий мавзулар, хусусан ҳудудларда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган янгиланишлар жараёни ёритилган материаллари учун

**5. Убайдуллаева Зилола,**
**"Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири**
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган таҳлилий материаллари учун

**6. Ибрагимов Бекзод,**
**"Жамият" газетаси бўлим мудири**
Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар кенг ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

**7. Жуманова Санобар,**
**"Маърифат" газетаси махсус мухбири**
Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар кенг ёритилган таҳлилий туркум материаллари учун

**8. Мамадаминов Алимурод (Муҳаммад Амин), ЎзА фотомухбири**
Мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар акс этган фотоматериаллари учун

**9. Ортиқов Шавкатжон,**
**"Халқ сўзи" газетаси адабий котиби,**
Ижтимоий, маънавий- маърифий соҳадаги янгиланишлар кенг ва таҳлилий ёритилган мақолалари учун

### ТАНЛОВ СОВРИНДОРЛАРИ

**1. Абдиев Ғулом**
ЎзМТРК Қашқадарё вилояти ТРК мухбири

**2. Аҳмедов Турсунали**
"Нурли жол" газетаси мухбири

**3. Ҳамидова Муҳаббат**
"Гулхан" журнали бўлим муҳаррири

**4. Тажетдинова Гулжаҳан**
"Устоз йўли" газетаси бўлим муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)

**5. Бурлиев Абдураззоқ**
"Сирдарё" туман газетаси бўлим мудири

**6. Иброҳимова Дилдора**
"Бухороնома" вилоят газетаси бўлим муҳаррири

**7. Истаблаев Февзи**
"Знамя дружбы"вилоят газетаси бўлим муҳаррири (Навоий вилояти)

**8. Юсупова Наргиза**
Хоразм вилояти телерадиокомпанияси мухбири

**9. Боллиева Меҳри**
"Маҳалла" телерадиоканали катта муҳаррири

**10. Муҳаммадиев Нурмуҳаммад**
"Маънавият гулшани" газетаси мухбири (Сурхондарё вилояти)

**11.Бозорова Шоира**
"Тошкент ҳақиқати" вилоят газетаси мухбири

**12. Рўзиматов Улуғбек**
"Ёшлар нигоҳи" газетаси махсус мухбири (Наманган вилояти)

**13. Авазова Гулинигор**
ИИВ бирлашган таҳририяти "Постда" газетаси мухбири

**14. Сафарова Муқаддас**
"Жиззах ҳақиқати" вилоят газетаси бўлим муҳаррири

**15. Шайхов Қамариддин**
"Qalampir.uz" веб-сайти бош муҳаррири

# ШАРАФЛИ ВАЗИФА



**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**"Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" бирлашган таҳририятлари бош муҳаррири ўринбосари, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

*— Мамлакатимизда барча соҳалар қатори ОАВ фаолиятини такомиллаштириш, жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларни тезкор ва холис ёритиш борасида катта имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили зиёлилар билан учрашувда ОАВ ходимлари олдига муҳим вазифаларни қўйиб, ўзининг таклиф ва тавсияларини берган эди. Ўтган давр мобайнида белгиланган вазифалар, рўёбининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Телевидение, радио деймизми, босма ОАВ ёки жадал суръатларда ривожланиб бораётган интернет нашрларда бўлаётган туб ўзгаришлар шундан далолат. Сўз эркинлигининг амалда таъминланиши натижасида сўнгги бир йилда ОАВнинг барча турларида сезиларли жонланиш бўлди, журналистларимиз катта ғайрат билан ижод қилишмоқда.*

*Газетамиз мисолида қарайдиган бўлсак, жорий йилнинг февраль ойида нашримиз сайти — zarnews.uz ни алоҳида ОАВ сифатида қайта рўйхатдан ўтказдик. Тўрт саҳифалик газетага ҳамма нарсани сиғдириш имконсиз, бу борада босма нашрларнинг электрон веб-сайтлари қўл келмоқда. Унда таҳририятимиз ходимлари, муштарийлар томонидан ёзилаётган материаллар тезкорлик билан эълон қилиб борилмоқда.*

*Камтарона меҳнатим давлатимиз томонидан эътиборга олиниб,* рағбатлантиришга лойиқ кўрилганидан қувониб турибман.



**Умит АБДИЖАМИЛОВА,**
**«Қорақалпоғистон» телерадиокомпанияси ижтимоий-иқтисодий кўрсатувлар бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари, "Дўстлик" ордени соҳибаси:**

*— 27 йилдан бери шу соҳада фаолият олиб боряпман. Бир неча йиллар "Қорақалпоғистон ёшлари" газетасида ишладим. Ушбу орденни олаётган пайтимда анча йиллар олдин сувсизликдан қийналган орол бўйи аҳолиси, уларнинг дарду ташвишлари кўз олдимдан ўтди. Сабаби, ўша жараённи ёритиш давомида уларга чин дилдан кўмак бергим, мушкулларини осон қилгим келганди. Шукрки, бугун бу орзулар ижобат бўлмоқда. Ҳозир бу ерда катта бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Халқ ичидаги муаммоларни ўрганиб, уларни борича ижобий ҳал этилишига сабабчи бўляпмизми, демак, биз, қалам аҳлининг, меҳнатимиз зое кетмаяпти.*

*Аслини олганда, биз олаётган ахборотнинг манбаи ҳам, истеъмолчиси ҳам халқнинг ўзи. Демак, биз муаммоларни шунчаки ёритишимиз эмас, балки ўзимизнинг тегишли таклиф ва тавсияларимиз билан чиқишлар қилишимиз керак. Албатта, бунинг ўзига яраша қийинчилиги, заҳмати бор. Бироқ ана шу машаққатларда тобланган журналистгина ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўла олади. Ҳамкасбларимга ана шу масъулиятли ва шарафли йўлда сўнмас ирода, куч-қувват ҳамда ижодий баркамоллик тилайман!*



**Станислав БАГРАМОВ,**
**"Ўзбекистон 24" телеканали шарҳловчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

*— Давлат мукофотлари илк бор Матбуот ва ОАВ ходимлари кунида соҳибларига топширилгани мени жуда қувонтирди. Мукофотни олаётган пайтдаги ҳаяжоним ва шодлигимни таърифлашга тил ожиз.*

*Айни кунларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, муаммолар жойнинг ўзида ечимини топаётганини халқимизнинг юз-кўзи, миннатдор қиёфасидан пайқаш қийин эмас. Бу жараёнларни тезкор ва холис ёритиш эса биз, журналистларнинг зиммасига юкланган. Давлатимиз раҳбари журналистларга йўллаган табригида айтганидек, бугун ОАВ фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилмоғи лозим. Шундагина жамиятимиздаги камчиликлар юзага чиқиб, бундан-да фаровон турмушга эришамиз. Ўйлайманки, бугун журналистикамиз ана шу йўлдан дадил одимламоқда.*



**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**"Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири, "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолибаси:**

*— Тўғрисини айтсам, мукофотланишимни сира кутмаган эдим. Меҳнат таътилидан қайтган куним қўнғироқ қилиб, тақдирланганим ҳақидаги хабарни етказишди. Бу — мен учун қўшалоқ байрам.*

*Газетамизда, асосан партия ва парламент ҳаёти, ижтимоий-сиёсий мавзулар кенг ёритилади. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммолари, уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида мақолалар ёзяпман. Имконияти чекланган ҳамюртларимизнинг орзу-истаклари, ўй-хаёлларини ёритиш билан бирга, уларни қийнаётган муаммоларнинг ҳал этилишида оз бўлса-да, кўмаклашаётганимдан беҳад мамнунман.*



**Меҳри БОЛЛИЕВА,**
**"Маҳалла" телеканали катта муҳаррири, "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови совриндори:**

*— Оммавий ахборот воситалари жамиятда қандай ютуқ ёки нуқсон бўлмасин, барини борича кўрсатиб бера олишга қодир. Бу борада, албатта, телевидение ОАВнинг бошқа турларига қараганда анча таъсирчан ва катта имкониятларга эга. Айни кунларда муаммолар ойнаи жаҳон орқали ошкора ва мунтазам бериб борилмоқда. Хусусан, ўзим ишлаётган "Маҳалла" телеканалидаги "Ёшларга иш беринг" ток-шоусида ҳам ёшлар муаммолари, ишсизлик масалалари, ёшларнинг дарду ўйлари ёритишга ҳаракат қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари, мутассадди ташкилотлар билан ёшларни юзма-юз учраштириш мавжуд муаммоларни бартараф этишни осонлаштиряпти.*

**"Hurriyat" мухбирлари**
**Гўзал МАЛИКОВА,**
**Шолазиз ШОХИДОЕВ** (фото).

# АСАЛАРИЧИЛИК: ДАМ ВА БАРДАМ



**Ихтиёр менда бўлса**

Ихтиёр менда бўлса, ҳаммага асалари боқинг, дея маслаҳат берган бўлардим. Нега дейсизми? Унинг шифобахшлигини яхши биласиз. Сердаромад соҳалигини-чи? Уни эплаш қийин дейсизми? Келинг, гапни бир бошдан бошласак.

Бугун юртимизнинг қай гўшасига бормайлик, дастурхонда сархил мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини кўрамиз. Бу она табиатнинг элимизга берган чексиз неъматидир. Бироқ, бундай имкониятдан тўлиқ фойдаланяпмизми, деган савол туғилади. Аммо кўпчиликнинг бунга "Ҳа", деб жавоб бериши қийинроқ назаримда. Ўзимдан қиёс. Қунтсизлигим туфайли илгари қанча имкониятларни бой берганман.

Дастурхонга асал тортилса, "тозасими", дея татиб кўрамиз. Тоза асал қандай бўлиши ҳақида соатлаб баҳслашамиз. Шифокор тавсия қилса, бозордан қиммат нархда бўлса ҳам харид қиламиз. Аслида иқлимимиз шароитига кўра, асал тансиқ ёки бунчалик қиммат нархда бўлмаслиги лозим.

Аҳоли ўртасида асалари боқиш кенг урф бўлмаганлиги сабаб ҳар йили неча тонналаб шифобахш неъмат ўсимлик танасида, дашту далаларда қолиб кетади. Қолаверса, бирор кишига асалари боқишни тавсия қилсангиз, нолинади: қийин иш, асаларилар оиласининг нархи баланд ва ҳоказо... Аслида шундайми?

Ўн йилдан бери асаларичилик билан шуғулланиб келаётган ҳаваскор сифатида айтишим мумкинки, бу мутлақо нотўғри фикр. Ҳар бир оилада "асал етиштиришни йўлга қўйиш мумкин.

Келинг, ўз тажрибаларим билан ўртоқлашсам.

Айни кунда битта асалари оиласининг ўртача нархи 130 минг сўм туради. Уни сотиб олиш учун дастлаб асалари қутиси, яъни яшик тайёрлаш лозим. Иккита асалари оиласига мўлжалланган яшикнинг нархи 150 минг сўм атрофида. Янги яшик сотиб олишга имкони бўлмаганлар тахтадан ясалган эски сандиқ материалидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу ҳаражатларга асалари парвариши учун зарур рамка, чалпак каби жиҳозларни қўшганимизда ҳаражатларимиз 300 минг сўмдан ошмайди. Ёз қулай келса, битта асалари оиласидан камида 20-25 килограмм ҳосил олиш мумкин. Тоза асалнинг бир килоси 30-40 минг эканлигини ҳисобга олсак, дастлабки йилнинг ўзида ҳаражатлар бемалол қопланиб, яхшигина даромад ҳам бўлади. Асосийси, дастурхонимиздан йил мобайнида шифобахш неъмат узилмайди. Қариндош-уруғ, ёру-биродарларнинг ҳам кўнглини оламиз.

Кўриб турганингиздек, мураккаб иш эмас. Фақат бироз ҳафсала қилсангиз бўлгани. Ниятингиз борми?! Ҳаракатни ҳозирдан бошланг. Тажрибам йўқ, деб иккиланманг. Қунт бўлса, ҳамма ишни эпласа бўлади.

— Ўн йилча бурун асаларичи дўстим менга битта асалари оиласини совға қилганди, — дейди ҳамқишлоғим Ботиржон Маматқулов. — Дастлаб иккиландим. Асалари билан тиллашиш қийин кечди. Бироқ кейин эплаб кетдим. Ҳозир элликка яқин асалари оиласини парвариш қиляпман. Уларга қараб роҳатланиб, дам оламан. Йиллик ҳосил эса ярим тонна бўлиб, даромадим ўн миллиондан ошмоқда.

Ана кўрдингизми! Ҳаракатни бугундан бошланг. Сиз ҳам Ботиржон каби ҳам дам оласиз, ҳам бардам бўласиз, даромадингиз ҳам ёмон бўлмайди.

**Мўйдинжон СОБИТОВ**
*Фарғона вилояти*

**Ҳар бир оила — тадбиркор**

**Кейинги йилларда мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар аввало аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиб, халқни рози қилишдек эзгу тамойил асосида иш юритилаётганининг натижасидир. Оилада фаровонлик таъминланиши учун биринчи галда барқарор даромад манбаи бўлиши лозим. Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам шундан.**

# Завқи ғайрати зўр



Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 7 июнда эълон қилинган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай эзгу мақсадга қаратилган.

“Қадимий касб-ҳунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик каби фаолият турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш”га йўналтирилган мазкур қарорда “Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш” лозимлиги белгилаб қўйилган.

Тўғри, оилавий тадбиркорлик халқимиз учун янгилик эмас. Лекин тадбиркорликка бел боғлаган оилаларга давлатимиз раҳбари томонидан катта имтиёзлар берилиб, мавжуд муаммоларнинг бартараф қилиниши — катта янгилик.

Узоққа бормайлик. Бундан 5-6 йил аввал ҳам тадбиркорлик қилмоқчимиз, деган оилаларни мутасадди ташкилотлар қучоқ очиб кутиб олмаган. Аксинча, “Отангга бор, онангга бор” қабилида иш тутиб, ойлаб, ҳатто айрим оилаларни йиллаб сарсон қилингани бор гап. Лекин энг муҳими, барча муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиб, оилавий тадбиркорликнинг афзалликларини ўз ҳаётларида кўрган, ҳалол меҳнати, астойдил интилишларининг ширин меваларидан баҳраманд бўлиб яшаётган оилалар ҳам кўп.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида 2014 йилда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Аброр ака Йўлдошевнинг оиласи шулардан бири.

— Ўйлаб қарасам, оилавий корхона ҳар бир оила ташкил қилса бўладиган ва ташкил қилиши лозим бўлган иш экан, — дейди Аброр ака. — Айниқса, тадбиркорлик қиламан, деган одамга давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилиб, етарли имконият ва имтиёзлар берилаётган бугунги кунда бундан фойдаланмаслик, дангасалик бўлади. Фақат пухта режа тузиб, дадиллик билан иш бошлаш керак холос.

Аброр ака “пухта режа тузиб” деган сўзни бекорга айтмади. Чунки режали ишнинг бежоғлиқ бўлишини ўз тажрибасида синаб кўрган.

Эр-хотин нафақага чиқиб, “Тўртта топарман-тутарман фарзандимиз бўлса, энди неваралани ўйнатиб, маза қилиб карилик гаштини сурамиз” деб ўйлашган эди. Лекин “маза қилиш” узоққа чўзилмади. Ҳар икковлари ҳам масъул ишларда ишлаб, халқнинг орасида юрган одамлар эмасми, зерикиб қолишди. Айниқса, узоқ йиллар банк, кейинги ўн йилга яқин туман ҳокими муовини бўлиб ишлаган Аброр акага бекорчилик тўғри келмади.

Кунларнинг бирида у уйи яқинидаги қаровсиз ётган, эски боғнинг 5 гектари аукционга қўйилганини эшитиб, қолди-ю, шу ерни сотиб олсаммикан, деган хаёл тинчлик бермай қўйди.

— Олганга яраша яхши жойни олиш керак-да, дадаси. Бу жойни эпақага келтиришингизга ишонмайман, — деди Дилбар опа. — Қаранг, ярми чуқурлик, ярми чиқиндихона, ўнқир-чўнқир жой бўлса. Устига-устак бирор нарса экаман десангиз, сувниям насос билан 30 метр пастдан олишингиз керак. Ўйлаб кўринг, турган-битгани харажат.

Аброр ака Дилбар опанинг гапини ўйлаб кўрди. Ўйлагандаям қайта-қайта ўйлади. Барибир шу ерни сотиб оламан, деган қатъий қарорга келди.

Фарзандлари, дадасининг кучига, ақл-заковатига ишонганлари учунми, ҳеч иккиланмай Аброр аканинг режаларини маъқуллашди. Бу ҳам етмагандай, еб-ичардан орттириб жамғарган пулларини “биздан ёрдам” деб ўртага ташлади.

Ҳали уйланмаган иқтисодчи ўғли Мирзабекнинг ҳам озми-кўпми жамғариб қўйган пули бор экан. Уям четда турмади. Ҳатто: “Агар корхона қошида 20-30 та сигир боқадиган фермача қурсак, ўзим сутни қайта ишлайдиган цех очаман. Сариёғ, творог, бринза, сир, қаймоқ ўзимиздан чиқади” деб қўйди. Сергелида яшайдиган куёви Фарҳоджон пул қўшиб, қайнисини хурсанд қилиш учун бозордан 4 та сигир ҳам олиб берди.

Шундай қилиб Йўлдошевлар оиласи аукциондан ерни сотиб олиб, яхши ниятлар билан иш бошлади. Аввало майдон девор билан ўраб чиқилди. Чунки кўп йиллар эгасиз қолган боғ шу атрофда яшайдиганлар учун мол-қўй боқадиган жойга айланиб қолган эди. Кейин эски дарахтлар қўпорилиб, ер текисланди.

Насос ёрдамида чиқариладиган сувни тўплаб туриш учун чуқурлиги 4,5 метрлик катта ҳовуз қазилди.

Деҳқончиликдан сал-пал хабари бор одам билади: 5 гектар ерни насос билан қондириб суғориш қийин. Харажати катта. Шунинг учун Аброр ака томчилатиб суғориш технологияси асосида иш юритишга қарор қилди ва майдон бўйлаб қувурлар тортилди.

— Қилган ишларингизни натижаси кўзга ташланиб қолса, завқингиз ошиб, қўрқув ҳам тарқаб кетаверар экан, — дейди Аброр ака. — Кечаги ташландиқ жойнинг чиройли бўлиб қолганини кўриб, энди бу ерга асл мева кўчатларидан экаман деб ният қилдим. Банкдан 270 миллион сўм кредит олиб Туркиядан 2 минг туп гилос, Испаниядан ўзимизнинг “Ризамат ота” навига ўхшаб кетадиган, лекин ичида уруғи бўлмайдиган майизбоп узум кўчатларини олиб келиб, экдик.

Мирзабекнинг таклифига биноан боғнинг бир четидан 30-40 та қорамол боқадиган молхона, меваларни вақтинча сақлайдиган омбрхона ҳам қурилди.

Айниқса, 35 сотихча майдонда Корея технологияси асосида қурилган теплица учун катта харажат қилишга тўғри келди. Лекин қилган меҳнатлари, сарфлаган пуллари бесамар кетмади. Ҳозирги кунда корхона харажатларини теплицада етиштирилган бодринг ва помидордан келаётган фойда қоплаяпти.

— Маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқиб сотганимиз йўқ. Чунки бунга вақтимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етмайди, — дейди корхона иш бошқарувчиси. — Бозордагига нисбатан анча арзон бераётган бўлсак ҳам, ютқазганимиз йўқ. Чамалаб кўрсам, бу йил соф даромадимиз 50 миллион сўмдан ошади.

Аброр ака ҳали бу бошланиши эканини яхши билади. Чунки эккан гилослари икки йилдан кейин тўлиқ ҳосилга киради. Испаниядан олиб келинган узум кўчатлари ўтган йили бир тоннага яқин нишона берди. Бу йилги ҳосил янада баракали бўлиши кутилмоқда. Нима бўлганда ҳам узумлар келгуси йилда шиғил мевага киради. Демак ҳали ҳаммаси олдинда.

Оилавий корхона республика “Тадбиркор аёл” уюшмасига аъзо. Уюшма ходимлари ҳамиша корхона фаолиятини кузатиб, зарур пайтда кўмак, маслаҳат бериб туришади. Яқинда бир гуруҳ мутахассислар келиб корхона қошида тикув цехи қурсаларингиз кредит, замонавий технология олишга ёрдам берамиз, дейишди.

— Ўйлаб қарасам, яхши таклиф, — дейди Аброр ака. — Сайёрахон қизим тўқимачилик фабрикасида бичувчи бўлиб ишлайди. Цех очсак, Сайёрахонга топширамиз. 20-30 га яқин хотин-қизлар иш билан таъминланади.

Йўлдошевларнинг оилавий корхонасига 9 нафар доимий ишчи ишга қабул қилинган. Улар ҳам меҳнатларига яраша даромад кўряпти.

— Турмуш ўртоғим Дурдона билан теплицада ишлаймиз, — дейди Бекзод Эгамов. — Теплица ишини тушунганимиз учун қийналганимиз йўқ. Бодринг, помидорларимиз кутилганидан ортиқ ҳосил беряпти. Ойлик маошимиз, шароитимиздан нолимаймиз.

— Илгари мавсумий, кунбай ишларда ишлаб юрардим, — дейди Гули Пўлатова. — Аброр акаларнинг корхонаси очилганидан кейин доимий ишга эга бўлдим. Бу ерда ишлаб маош олишдан ташқари деҳқончилик, боғдорчилик сир-асрорларини ҳам ўрганяпман. Ишқилиб, ишлаб кам бўлмаяпман.

Одамнинг ҳавасини келтирадиган гилосзор ва узумзорларни айланар эканмиз, ўзининг ишлари, режалари, синовдан ўтказаётган тажрибалари ҳақида завқланиб гапираётган Аброр акага қараб, илгари бошқа ишларда ишлаб юрган бу одамнинг ўзига нотаниш соҳа — боғдорчилик, ва деҳқончиликда эришаётган ютуқларини сири нимада деган савол ўтади хаёлимдан.

— Одам қилган ишни одам қилади, деган гап тўғри экан, — дейди Аброр ака. — Буни ўз тажрибамда синаб кўрдим. Фақат қарор қатъий, интилиш чин кўнгилдан бўлиши керак. Ўз ишидан завқлана олиш лозим. Завқи бор одамнинг ғайрати бўлади. Кейин оилавий корхона очадиган тадбиркорларга қўрқмасдан маблағ сарфлайверинг деган бўлар эдим. Чунки катта пул сарфлаган одам қаттиқ ишлашга ҳам мажбур.



**Ўктам АБДУЛЛАЕВ,**
**Ш.ШОХИДОЕВ** (фото)
**“Hurriyat” мухбирлари**

**Маънавият**

# ДИНИЙ ЭРКИНЛИККА МУНОСАБАТ ШУМИ?

**Бир неча кун олдин Фейсбук ижтимоий тармоғида тарқалган видео кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. Видеотасвирни кузатган ҳар қандай инсон бу қандай маросим экан, деб ўйлаши табиий. Унда бир гуруҳ одамлар (орасида соч-соқоли оқарган кексалар ҳам бор) айлана шаклда ўтириб олган. Баланд овозда қўшиқ куйлаб, бир-бирларига бош силкитяпти. Муборак Рамазон ойи охирларида бундай лавҳалар тарқалиб кетди. Хўш, бу не ҳолат, ислом динида қандай талқин қилинади? Бунинг орқасида қандай мақсадлар бор?**

– Диний нуқтаи назардан қараганда гўёки улар зикр тушишяпти, – дейди **Тошкент ислом институти ректори Уйғун Ғофуров.** – Лекин зикр риё учун қилинмайди-ку. Ҳар бир шахснинг Аллоҳга қилган илтижоси, нидосини бошқа биров билиши шарт эмас. Бу амал жаҳолат, риёкорликдан бошқа нарса эмас аслида. Динда олдин шариат, кейин тариқат дейилади. Шариат илмини тўлиқ билган одам тариқат йўлига кириб, унга амал қилиши мумкин. Динни билмасдан туриб қилинган хатти-ҳаракатлар, зикрлар нотўғри йўлга кетади. Бу ҳолатда маълум бўляптики, бир гуруҳ шахслар жаҳолат орқали бу ишларни ташкил қилган бўлса, иккинчи босқичда улар бунинг тарғиботини амалга оширмоқда. Яъни, видеолавҳалар кенг оммага тарқатилмоқда. Бу динни бузиб талқин қилиш, одамларни пок ислом динидан чалғитишга ҳаракат демакдир. Уларнинг кейинги қадами эса, Ўзбекистонда мана дин қандай, деган мазмунда ушбу ҳолатни хорижда шарҳлаш бўлиши мумкин. Англаш мумкинки, бу ғоявий кураш. Ёшлар, мактаб ўқувчилари ҳам бу ҳолатга гувоҳ бўлишаётгани, маросимга қўшилгани ачинарли ҳол. Бу вазият ёшлар орасида урф бўлмаслигига, уларнинг бундай жаҳолатга эргашмаслигига ким кафолат беради?! Мамлакатимиздаги диний эркинликка, яратилаётган шароитга муносабатимиз, жавобимиз шуми?! Бу амалларда қандайдир оқимларга ишора борлигини англаш қийин эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз жаҳолатни маърифат билан енгишимиз керак. Дин таълимотини тўғри йўлга қўйишимиз лозим. Асосийси, ёшларимиз бунга эргашмаслиги зарур.

Бу амал шариатга зиддир. Қадимда машойихлардан баъзилари шундай ҳолга тушган бўлса, бу тасаввуф тилида “*ғолабатул ҳол*” дейилган. *Яъни, ўзини ўзи бошқаролмай қолишдир*. Психологларнинг фикрича, унда инсон ўзини бошқара олмай турли ҳаракатлар қилади. Бу мантиққа умуман бўйсунмайди.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирган:

*“Уламолар зикр чоғида рақс тушиш, айланиш, мусиқа чалиш ва кўксига ёки бошига уриш каби ишларни қаттиқ танқид қилганлар. Гапнинг чўзилиб кетишидан қочиб, биргина мисол келтирамиз. Машҳур ҳанафий олим Ибн Обидийн раҳматуллоҳи алайҳи «Раддул Мухтор» номли китобларида қуйидагиларни ёзганлар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон қироати, жаноза, урушга бориш ва зикр чоғида овозни кўтаришни ёқтирмаганлар. Энди уларнинг қўшиқ чоғидаги вужуд ва муҳаббат деб номлаган ҳолатларини нима деса бўлади?! Албатта, бу нарса макруҳдир! Динда унинг асли йўқдир!»*

Фейсбук фойдаланувчиси Умида Шоюнусова бу маросим ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган:

*“Ҳамма нарсага рухсат берилди, деб миясига келган ишни қилиш яхши эмас. Ёшларга салбий таъсир қилади. Чунки зикр тушганда одамнинг мияси толиқади. Азалда девоналар зикр тушишган».*

Аслида ҳам бу тахлит зикр тушиш дарвешлардан қолган одат. *Дарвешлар – дунёдан воз кечганлардир. Лекин дарвешлар асосан гиёҳванд (наркоман) бўлишган ва маст ҳолда зикр тушишган. «Ё Олло дўст, ё Олло, ҳақ дўст ё Олло» каби ўзлари сингари дарвешлар тўқиган термаларни куйлаб, маст ҳолда рақсга тушишган. Уларни ҳеч ким диний мутаассиб инсон сифатида қабул қилмаган, аксинча, девона сифатида қабул қилишган.*

– Ҳозирги кунда инсонларнинг дунёқараши, уларнинг маънавият мезонларини шакллантиришнинг ўзига хос усуллари ўйлаб топиляпти, – дейди **Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Алишер Қодиров.** – Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар мафкуравий-маънавий сиёсатининг таг-томирида дин масаласи ётади. Бу давлатлар иқтисодий ривожланган бўлишига қарамасдан, ўзининг диний мезонларидан воз кечаётгани йўқ. Диний асослар орқали ўзининг мафкурасини шакллантиради. Бу бизга қандай хулоса чиқариш учун асос бўлади? Бугунги кунда ислом динини жамиятга тўғри талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ислом дини маърифат дини эканлигини, хотиржамлик, тинчликка даъват қилувчи дин эканлигини одамларга тарғиб қилишда кеч қолаётганимизни ушбу ҳолатларда кўришимиз мумкин.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Огоҳлик**

# Гиёҳванд моддалар ёндирилди

**Йилига юз миллионлаб инсоннинг ҳаёти наркотиклар туфайли барбод бўлаётгани наркобизнесни инсониятнинг глобал муаммоларидан бирига айлантирди. Шу боис, жаҳон афкор оммаси бу иллатга қарши ҳамжиҳатликда кураш олиб боряпти.**

26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар томонидан мусодара этилган гиёҳвандлик моддаларини ёқиш тадбири ўтказилди. Унда халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, дунёда оғу етиштириш бўйича биринчи ўринда турувчи Афғонистонда ўтган йили кўкнори майдонлари 328 минг гектарни (2016 йилда 201 минг гектар), ишлаб чиқарилган опий моддаси миқдори эса 9000 тоннани ташкил этган. Айтиш керакки, нарковазият Афғонистон билан чегарадош Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йили гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 5426 жиноят аниқланиб, 1 тонна 994,1 килограмм наркотик модда мусодара этилган. Жиноятчилар орасида чет эл фуқаролари ҳам бор. Жумладан, 1976 йилда туғилган афғонистонлик Саид Тоир 2017 йил 10 январда Сурхондарё вилоятининг айланма йўллари орқали 10,6 килограмм опий ва 0,6 килограмм гашиш гиёҳвандлик воситасини олиб ўтаётган вақтда қўлга олинган. Яна бир афғон фуқароси Кифоят Абдулсамат ўғлини 52 килограмм опий гиёҳвандлик воситасини олиб ўтаётганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари тўхтатиб қолган.

—2017 йили ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушланган 1 тонна 600 килограммдан ортиқ наркотик модда бугун халқаро жамоатчилик иштирокида махсус печларда ёқилмоқда, — деди Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати бош инспектори Ҳусан Тангриев. — Таъкидлаш жоизки, божхона хизмати органлари ҳам наркотик моддалар айланиши ва савдосига чек қўйиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ўтган йили божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда 396 килограммдан ортиқ наркотик модда ушлаб қолинди. Қўшни давлатлар билан чегара постларининг қайтадан очилганлиги ҳам божхоначалар зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Қўшничилик алоқаларини мустаҳкамланаётганидан айрим оғуфурушлар ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлишаётир. Бундай наркокурьерларнинг йўлини ёпиш мақсадида божхоначилар ҳушёрлиги оширилиб, постлар замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши ва улар устидан назорат ўрнатишда ўзига юклатилган халқаро мажбуриятларни бажариб келмоқда. Бу жараёнда гиёҳванд моддаларни мамлакатимизга олиб кириш йўлларини бекитиш, уларнинг республикамиз ичида ноқонуний муомалада бўлиши, ҳудудимиз орқали транзит қилинишига чек қўйиш ҳамда уюшган жиноий гуруҳларни йўқотишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шунингдек, БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Россия Федерацияси ва Марказий Осиё давлатларининг мувофиқлаштирувчи идоралари билан мунтазам равишда нарковазиятга оид маълумотлар алмашилмоқда.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

www.hurriyat.uz 27-28 (1089-90) /2018-yil 29-iyun/

# Ислоҳотлар ижросида
# ЯҚИН КЎМАКДОШ

**Ҳар йили июнь ойининг охирги ўн кунлигида мамлакатимиз миқёсида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни нишонланади. Бу айёмда халқимиз онгида ижтимоий фикрни шакллантирувчи, маънавият оламида жамият ҳаётини акс эттирувчи касб соҳиблари шаънига илиқ сўзлар айтилади, мафкура дунёсида намуна бўлган журналистлар,ноширлар, матбаачилар меҳнати улуғланади.**

Биз учун бу байрамнинг энг қувончли жиҳати – Президентимиз соҳа ходимлари саъй-ҳаракатларига муносабат билдиради, олдимизга бугуннинг долзарб вазифаларини қўяди. Давлат раҳбари табриги ҳам кўнглимизни кўтаради, ҳам масъулият ҳиссини оширади. 2017 йилда йўлланган Президент табригидаги ушбу сўзларга эътибор қилайлик: "Мен сиз, муҳтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшашингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман".

Худди шу сўзларни "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятига кираверишда кўзга кўринарли қилиб ёзиб қўйганмиз. Ушбу битик ҳар кун, ҳар дақиқа қандай масъулиятли вазифа зиммамизга юклатилганини ёдга солиб туради. Очиғини айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шу қадар кенг қамровлики, уларнинг барчаси ҳақида ахборот бериб бориш учун тўрт саҳифа камлик қилади. Мисли кўрилмаган шиддат билан юз бераётган ўзгаришлар, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, оқилона ички ва ташқи сиёсати натижасидир. Шундан келиб чиқиб, газетамиз саҳифаларида ёритилаётган мавзулар мундарижасини белгилашда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кундалик фаолияти биз учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтамоқда.

2018 йилнинг дастлабки кунлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан бошланди. Вилоятда ташкилий масалани ҳал қилиш учун Президент нутқ сўзлади. Мажлис баёни барча нашрларда чоп этилди. "Халқ сўзи" саҳифаларида ушбу воқеага оддий одамларнинг муносабатларидан иборат подборка "Одамлар қалбида умид уйғонди" деган сарлавҳада берилди. "Президент бошқа сафарлардаги каби халқнинг ичига кириб борди. Иқтисодий муҳим аҳамиятга молик иншоотлар билан танишиб, маҳалла аҳли билан учрашди, профилактика инспектори оиласида меҳмонда бўлди, туман касалхонаси беморлари ҳолидан хабар олди. Кўз ўнгимизда оддий одамлар ҳаёти, кундалик турмуши қандай бўлса, шундайлигича, ортиқча бўёқларсиз гавдаланди".

Тилга олинган муаммолар бизга аён эмасми? Унча-мунча хабардормиз, албатта. Ҳамма гап шундаки, ҳаётий манзараларга Президент назари билан қараш бошқача хулосаларни келтириб чиқаради. Ислоҳотлар мароми, суръати асло ёмон эмас. Лекин Президентнинг ўз ўлчами, мезони бор. Газетхонларимизга ана шу талаблардан келиб чиқиб ҳикоя қилишга интиламиз. Шу боис аввалги ҳамду сано, озгина ютуқдан "фил" каби мақтовли сатрлар битиш журналистикамизнинг кечаги кунига айланаяпти.

Жорий йил бошида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилиш ўтказди. Нафақат бугунги авлод, ёши улуғ юртдошларимиз ҳам бундай анжуманнинг гувоҳи бўлмаганлигини айтишади. Қизиқ, шу пайттача элчихона ходимларининг неча авлоди ўз дунёқарашлари ва савиялари даражасида фаолият юритишган. Бу сафар Президент давлатимиз ва халқимиз номидан хорижий мамлакатларда иш олиб бораётган вакиллар билан юзма-юз учрашиб, улар билан атрофлича гаплашиб олишга аҳд қилибди. Анжуманда элчилар Президентдан янги гап эшитишди: "Элчи Президентнинг хориждаги расмий вакили. У давлатимизнинг ташқи сиёсатини самарали амалга ошириш учун тўлиқ масъул ва жавобгар". Дарҳақиқат, шу ҳақда ҳеч ким бафуржа мулоҳаза юритмабди.

Ушбу анжумандан сўнг Ўзбекистоннинг хориждаги элчилари юртимизга инвестиция киритиш, сайёҳлар келишини кўпайтириш каби диққатга сазовор ютуқларга эришдилар. "Халқ сўзи" саҳифаларида мазкур мавзу туркум мақолаларда акс этди. Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бутун дунё Ўзбекистон ҳақида гапира бошлади. Шуни эътиборга олган ҳолда биз ўз мухбирларимизни хорижга хизмат сафарларига жўнатишни йўлга қўйдик. Сўнгги икки-уч ой ичида улар Россия, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Америка Қўшма Штатлари, Хитойда бўлиб, туркум мақолалар уюштиришди.

Фақат қилинган ишларни кўрсатиб бериш эмас, балки муайян соҳадаги илғор тажрибаларни жорий этиш газетамизнинг доимий эътиборида. Биология фанлари доктори, академик Бакриддин Зариповнинг "Гид ватанпарвар бўлсагина ҳақиқий профессионалдир" сарлавҳали мақоласи шулар қаторидан. Бунда тарихий обидаларимизда фаолият юритаётган гидлар ўз юрти дурдоналари ҳақида четдан келган сайёҳларга алоҳида меҳр ва муҳаббат билан мароқли ҳикоя қилишлари лозимлиги, умуман, туризм маданияти бўйича кўп ишлар амалга оширилиши кераклигини билдиради.

Президентимизнинг январь ойи охирида Қашқадарёга ташрифи муҳим долзарб мавзулар қаторидан жой олди. Қадимий воҳада истиқболли технологияларнинг жорий этилиши, муқаддас зиёратгоҳларнинг обод қилиниши, туризм инфратузилмаси объектлари ривожлантирилиши, таълим ислоҳотини жорий этиш борасидаги ишларга назари тушди. Газетамиз Президент ташрифи воҳа аҳли ичида қандай таассурот уйғотганлиги ҳақида вилоятнинг турли вакилларига минбар берди. Яккабоғ туманидаги "Дармонфарм" хусусий корхонаси раҳбари Анзур Нормуродов Европадан келтирилган ускуналарни ўттиздан зиёд ёшлар моҳирлик билан бошқараётгани, бир кеча-кундузда 20 тонна хом ашё қайта ишланаётгани, экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича дадил ишлар қилинаётгани ҳақида баён этди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё минтақавий бўлими бошлиғи Отабек Олимжонов меҳмонхоналар қурилиши бўйича 14, истироҳат боғларини барпо қилишга доир 3 лойиҳа тақдим этилаётганини тилга олди. Чироқчи туманидаги "Чироқчи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Момосулув Бердиқулова Президентимиз ташрифи мобайнида тилга олинган муаммолар ечими бўйича қандай тадбирий чоралар кўрилаётгани хусусида ўз фикрини баён этди.

Юртбошимиз амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун жойларда бўлганларида ҳамманинг кўнглидаги масалаларни тилга олади. Парламент нашри ҳисобланмиш "Халқ сўзи" саҳифаларида ўша масалалар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар фикри изчил бериб борилмоқда. Олий Мажлис Сенати аъзоси Исломиддин Аброров "Халқ давлатдан рози бўлишининг асосий мезони" сарлавҳали мақоласида давлатимиз раҳбари қайси туманга бормасин, ўша ерда халқимизнинг дарду ташвишлари билан қизиқди, муаммолар юзасидан ўзининг аниқ таклиф ҳамда маслаҳатларини бериб, ечим кўрсатганлигини таъкидлади. Аксарият масалалар жойида ҳал қилинганлиги учун вилоят аҳолисининг кайфияти, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланди. Бугун қайсики ҳудудда раҳбарлар фақат ва фақат халқ манфаатини кўзлаб иш юритса, ўша жойда ривожланиш бўлиши, одамлар турмуш шароити яхшиланиб, ҳаёти фаровонлашиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда. Сенаторнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбари аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратди ҳамда қисқа вақт ичида мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича тегишли вазирлик, идоралар, маҳаллий ҳокимият вакилларига топшириқлар берди. Табиийки, ана шу ҳаётий режалар амалга оширилиши билан бу борадаги кўплаб масалалар ўз ечимини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йил 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида қадимий воҳанинг шаҳар ва туманларида бўлганлиги халқ орасида зўр мамнуният билан қабул қилинди. Когон туманидаги "Аҳолитранс" масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори нафақат ўзи, жамоаси фикрларини газетамиз орқали маълум қилди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур корхонада қилинаётган ишларга баҳо берганлиги ҳамманинг кўнглини кўтарди. Кластер ён-атрофида ишчилар учун турар-жойлар, иссиқхона, инфратузилма объектлари қуриш тавсияси ҳаммага маъқул бўлди. 28 йилдан буён таълим соҳасида турли вазифаларда ишлаб келаётган Бухоро шаҳридаги 54-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Олима Рафиева шунча йиллар мобайнида тизимга бунчалик эътибор қаратилмаганлигини таъкидлайди. Президентимизнинг муассасамизга ташриф буюришлари бу ерда тарбияланаётган 300 нафар жажжи ўғил-қиз, уларнинг ота-оналари, жамоамиз учун чинакамига байрамга айланди, дейди. Давлатимиз раҳбари бола боғча ёшида билимни осон ва тез ўзлаштиришини таъкидлаб, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш – бу қаҳрамонликдир, дейдилар ва муассасамизни методик тажриба алмашиш марказига айлантириш топшириғини бердилар. Бухоро давлат университети талабаси Нигина Йўлдошева инглиз ва рус тилларини чуқур ўрганганлигини, ҳозир эса Ёшлар марказида испан тили бўйича сабоқ олаётганини, халқаро танловда муваффақиятли қатнашиб, БМТ минбаридан маъруза қилиш бахтига муяссар бўлганини ғурур билан ҳикоя қилади. Олот туманидан меҳнат фахрийси Саидқули Оққиев "Етти пир" қадамжоси бўйлаб эзгу ташаббус учун Президентга миннатдорлик билдиради.

Жорий йил мобайнида Президентимизнинг Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларига, шунингдек, хорижий мамлакатларга амалга оширган ташрифлари изчил ёритиб борилди. Нафақат расмий хабарлар, улар ҳақида оддий одамларимизнинг дил сўзлари, муносабатлари ўқишли шаклларда ёритиб келинди.


Саҳифалаш хонасида Ш.Шохидоев олган сурат

Худди шу сўзларни "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятига кираверишда кўзга кўринарли қилиб ёзиб қўйганмиз. Ушбу битик ҳар кун, ҳар дақиқа қандай масъулиятли вазифа зиммамизга юклатилганини ёдга солиб туради. Очиғини айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шу қадар кенг қамровлики, уларнинг барчаси ҳақида ахборот бериб бориш учун тўрт саҳифа камлик қилади. Мисли кўрилмаган шиддат билан юз бераётган ўзгаришлар, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, оқилона ички ва ташқи сиёсати натижасидир. Шундан келиб чиқиб, газетамиз саҳифаларида ёритилаётган мавзулар мундарижасини белгилашда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кундалик фаолияти биз учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтамоқда.

**Оммавий ахборот воситаларининг ривожи ҳамиша Президентимиз эътиборида. Ўзбекистонда Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш ташаббуси бевосита давлатимиз раҳбари томонидан чиққанлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда журналистиканинг алоҳида ўрни борлиги ҳаммага аён. Шундай экан, юксак ишончни оқлаш йўлида муттасил изланишда давом этамиз, ижодий жасорат борасида тажриба ва маҳоратимизни аямаймиз.**

**Шухрат ЖАББОРОВ,**
**"Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари**

# УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими томонидан 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мини-футбол, стол тенниси ва шашка бўйича мусобақа ўтказилди.**

– Соҳа ходимларини касб байрами муносабати билан рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақаларда вилоятдаги электрон ва босма оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбуот уюшмаси ҳамда ахборот-кутубхона марказлари ходимларидан тузилган жамоалар иштирок этди, – дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Назиржон Саидов. – Қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой мусобақалар иштирокчиларга ҳақиқий байрам шукуҳи бағишлади.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти телерадиокомпанияси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. "Андижон нашриёт-матбаа" масъулияти чекланган жамияти иккинчи, "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари таҳририяти учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***

Пойтахтимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан веломарафон ўтказилди.

Ўзбекистон Велоспорт федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган 40 нафарга яқин журналист ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Иштирокчи хотин-қизлар 4 километр, эркак велопойгачилар эса 6 километр масофани босиб ўтди.

Хотин-қизлар баҳсида Лобар Саидова, Чарос Ғайратова, Азиза Рўзимуродова, эркаклар ўртасида Окан Караяс, Шаҳбоз Шаропов, Аюбхон Зиннуров ғолиб ва совриндор бўлди.

**ЎзА**

**30 июнь — Ёшлар куни**

**Юртимиздаги барча олий ўқув юртларида қабул жараёнлари давом этмоқда. Абитуриентлар тили билан айтганда бу кунлар, ҳаяжонли онларнинг дебочасидир.**

# ЎҚИГАН ЎЗАР



Йигит-қизларга илк бор бағрини очаётган Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетидаги қабул жараёнларида ҳам шу ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Ёшлар бакалавриат таълим йўналишлари бўйича университетнинг икки факультети – "Интернет журналистика ва ижтимоий тармоқлар" ва "Халқаро журналистика ва жамоатчилик билан алоқалар"га ҳамда магистратурага кирмоқчи бўлган талабалар "Интернет журналистика ва ижтимоий тармоқлар" факультетига ҳужжат топширмоқда.

– Шу кунларда университетимизнинг интернет журналистика, медиадизайн, босма ОАВ, медиамаркетинг ва реклама, телерадиожурналистика, спорт журналистикаси, халқаро журналистика, жамоатчилик билан алоқалар йўналишларини ўз ичига олган бакалавриат ҳамда магистратура босқичларига ҳужжатларни қабул қилмоқдамиз, – дейди ўқув даргоҳи матбуот хизмати бошлиғи Камола Юсупова. – Бакалавр йўналиши бўйича юз, магистратура мутахассисликлари бўйича жами ўттизта қабул квоталари белгиланган.

Қабул жараёнларини кузатиш асносида абитуриентлардан бирини суҳбатга тортдик.

– Бу йил иккинчи маротаба ҳужжат топширишим, шунинг учун ҳаяжон ҳам икки карра ортган. Ўтган йили Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг миллий журналистика факультетига ҳужжат топширгандим, аммо омадим келмади. Бу йил пухта тайёргарлик кўрдим, талаба бўлишимга астойдил ишоняпман, – дейди сирдарёлик Маъруф Тошбеков. – Спорт соҳасига қизиққаним туфайли ҳужжатларимни "Халқаро журналистика ва жамоатчилик билан алоқалар" факультети спорт журналистикаси йўналишига топширдим. Келажакда шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиб, журналистикамиз ривожига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

– Жорий йилда журналистика соҳасида анча ўзгариш ва янгиликлар бўлаётир. Шулардан бири ўқишга қабул




қилиш жараёни илк маротаба ихтисослашган шаклда, яъни журналистика йўналишлари бўйича ташкил этилмоқда, – дейди профессор Файзулла Мўминов. – Шу кунга қадар талабалар умумий журналистика бўйича ўқишга қабул қилинган, кейинчалик улар қизиқишларига қараб маълум йўналишларга ихтисослаштирилган. Эндиликда ўқишга қабул қилинаётган талаба ҳужжат топширишдаёқ ихтисослигини аниқ белгилайди ва ўқиш давомида шу мутахассислик бўйича таълим олади.

Таъкидлаш жоизки, университетнинг, магистратура босқичидаги сиёсий-ҳуқуқий журналистика, медиаменежмент, интернет журналистика каби мутахассисликлар ҳам яхши йўналишлар.

– Ҳужжат топширувчилар сони кун сайин ортмоқда. Маълумот сўраб, мурожаат этаётганларга ҳам батафсил маълумот беришга ҳаракат қиляпмиз, – дейди қабул комиссияси аъзоси Ҳилола Файзуллаева. – Қабулдаги янгиликлардан яна бири жорий йилдан бошлаб ҳужжатларини тақдим этаётган абитуриентлардан ижодий ишларни қўшиб топшириш талаб этилмайди.

**Эслатиб ўтамиз, Давлат тест марказининг маълумотларига кўра, олий ўқув юртларидаги тест имтиҳонлари 1 августдан 15 августга қадар икки сменада ўтказилади. Жавоблар эртаси куни маълум қилинади. Журналистика бўйича имтиҳон топшираётган абитуриентлар эса тест имтиҳонларига қадар ижодий (оғзаки ва ёзма) имтиҳондан ўтказилади.**

**Пойтахтдаги Инҳа университети биносида 16 июндан бошланган қабул жараёнлари 15 июлга қадар давом этади.**

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**Шолазиз ШОХИДОЕВ** (фото)
**"Hurriyat" мухбирлари**

Ҳамкорларимиз

# Давлат харидларида ШАФФОФЛИК

Ҳар бир давлат оила кабидир. Унинг ўз хазинаси, кирим-чиқими, уй-ташвишлари бор. Бу улкан оила ривожи учун миллионлаб кишилар меҳнат қилиб, пешона тери билан давлат хазинасини барпо этади. Хазинадаги маблағнинг тўғри сарфланиши эса мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади. Бу ўринда асосий харажатчи давлат бюджет корхоналаридир.

Жорий йилнинг 9 апрел куни давлат бюджет маблағларини мақсадли ва тежамкор фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Қонун давлат харидлари соҳасидаги барча муносабатларни тартибга солиб, унинг очиқлигини ва шаффофлигини ҳамда бу соҳада тадбиркорларнинг рақобат курашувини таъминлайди. Шунингдек, давлат бюджети марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга корхоналар маблағларидан самарали фойдаланиш имконини яратади. Барча бюджет кохоналари ва корпоратив, яъни давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарнинг савдолари электрон кўринишга эга бўлди. Натижада олди-сотди жараёнлари, шартномалар, аккредитациядан ўтиш, қоғозбозлик, маҳсулот қидириш каби қатор ишлар автоматлашди. Эндиликда буларнинг барчаси шахсий кабинет орқали электрон калит ёрдамида бошқарилади. Қолаверса, масҳулот етказиб бериш, тўлов тизимининг тўлиқ кафолатланганi буюртмачи учун ҳам, тадбиркор учун ҳам айни муддаодир.

Қонунига мувофиқ, давлат харидлари соҳасида ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви агентлиги бўлиб, "Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси" АЖ эса давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталини оператори сифатида белгиланган. Бугунги кунда биржада тўртта платформа бўлиб, булар — биржа савдолари, авторақамлар, аукцион савдолар, давлат харидларининг электрон савдоларидир.

Яқинда ишга тушган xarid.uz ахборот порталида давлат харидларининг дастлабки натижалари ҳамда порталдаги савдолар жараёни билан кенгроқ танишиш мақсадида Биржанинг электрон тижорат ва харидларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Жасур Юнусовга мурожаат қилдик.

—Порталда савдолар аукцион ва электрон дўконларда амалга оширилиб, давлат харидлари бўйича барча эълонлар ва уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар тўлиқ сайтга жойлаштирилмоқда. Бу ўз навбатида давлат харидларининг очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлаётир, — дейди Ж.Юнусов. — Қисқа фурсатда, XARID электрон тизимида 30 мингдан зиёд бюджет ташкилотлари, 1,5 минг корпоратив буюртмачилар ва 9 мингга яқин етказиб берувчи тадбиркорлар рўйхатдан ўтди. Шу билан бирга, электрон дўконда 16 мингга яқин товарлар ва хизматлар, электрон аукционда эса 7 мингдан ортиқ давлат буюртмалари жойлаштирилган. Порталнинг бир ойлик фаолияти давомида қиймати 12,5 млрд. сўмга тенг 5 мингдан зиёд шартномалар тузилди ва бу кўрсаткич ўсишда давом этмоқда.

Порталнинг электрон давлат харидларида иштирок этиш учун буюртмачилар ҳамда етказиб берувчи корхоналар биржанинг расмий веб-сайтнинг www.uzex.uzдан электрон рақамли калит ёрдамида рўйхатдан ўтади. Шунингдек, савдода иштирок этиш учун харид бошланғич нархининг 3 фоизи миқдорида закалат ва комиссион йиғимларни қоплаш учун шартнома нархининг 0,15 фоиз миқдоридаги маблағ гаров сифатида киритилади.

Бюджет ва корпоратив буюртмачилар электрон дўконда талабгор таклифлари орасига жойлаштирилган товарлар, иш ва хизматлардан энг мақбулини танлайди ва нарх сўраш механизмини фаоллаштиради. Етказиб берувчилар кейинги 48 соат мобайнида худди шундай товарга ўз нарх таклифларини тизимга киритади. Электрон тизимга киритилган нарх таклифлари солиштирилган ҳолда савдо ғолиби автоматик режимда аниқланади. Буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасидаги шартнома мижознинг шахсий кабинетида электрон шаклда имзоланади. Агар бошқа номзодлар нарх таклифларини бермасалар, шартнома оферта жойлаштирган етказиб берувчи билан тузилади.

Бошланғич нархни пасайтиришга йўналтирилган электрон аукцион эса ўн кун ичида амалга оширилади. Бу вақт мобайнида республиканинг барча етказиб берувчилари, жумладан, барча тадбиркорлар қўшимча закалат билан таъминлаш шартига кўра нарх таклифларини беришлари мумкин. Савдо босқичлари харид бошланғич нархининг 2 фоизи миқдорида белгиланган. Аукционда энг паст нарх таклиф этган талабгор тизим томонидан ғолиб деб топилади ва унинг номи порталда акс эттирилади. Ўз навбатида шартнома буюртмачи ва савдо ғолибининг шахсий кабинетида шаклланади. Савдо нарх пасайиш тартибида бўлгани боис, бюджет ташкилотининг маблағи бир неча баробар тежалиши мумкин.

Тузилган шартнома рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кун давомида бюджет буюртмачилари келишилган маблағни тўлиқ ҳажмида Операторнинг ғазначиликдаги махсус ҳисоб варағига ўтказиб беради. Корпоратив буюртмачилар эса мазкур маблағни биржанинг ҳисоб-китоб клиринг палатасидаги ўз ҳисоб варағига ўтказишади. Буюртмачи зарур маблағни ўз вақтида киритмаган тақдирда, унинг гаров маблағи ижрочининг ҳисоб-китоб клиринг палатасидаги, кейинчалик эса жабрланган томоннинг банкдаги ҳисоб варағига жарима сифатида ўтказилади. Товар етказиб берилмаган ёки нотўғри етказилган ҳолатларда шартнома бўйича пул маблағи буюртмачининг ҳисоб варағига қайтарилади.

Хуллас, мазкур қонун асосида порталнинг яратилиши, давлат харидлари борасидаги неча йиллик муаммоларга чек қўйиб, савдоларнинг ҳалол ва шаффоф бўлишига замин яратмоқда. Портал фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳолига таништириш устида иш олиб борилялти.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

Бу турфа олам

### ХУШМУОМАЛА ЖОНИВОРЛАР



**Кўпчилик ёввойи ҳайвонлардан чўчийди. Боиси бирининг чақиши, бирининг тишлаши, бошқа бирининг ҳаёт учун хавфли зарбаси инсонларда улар ваҳший, деган фикрни шакллантирган. Аммо яқинда олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот ҳайвонлар инсонларга нисбатан хушмоамала мулоқотда бўлишини исботлади.**

Тадқиқот давомида кашф этилган янги жиҳат шу бўлдики, ҳайвонларнинг кўпгина турлари инсонлар каби овоз тизими орқали мулоқотга киришади. Инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги мулоқотда умумий жиҳатлар кўп бўлса-да, бироқ жавоб қайтариш вақти оралиғи билан улар бир-биридан фарқланади. Масалан, инсонлар мулоқотида бу жараён 0-500 миллисекундни ташкил этса, ҳайвонларда 50 миллисекунддан(бутазордаги сайроқи қушчада) 5000 миллисекундгача (ўйинқароқ маймунлар диалогида) давом этиши аниқланди.

Ҳайратланарлиси шундаки, жонзотларнинг аксарияти қўшнисини ранжитмаслик учун норозилик кайфияти туғилиши мумкин бўлган вазиятлардан ва шундай мулоқотлардан қочишга ҳаракат қилишар экан.

Шунингдек, улар мулоқот жараёнида бир-бирини ҳурмат қилиши ҳам ўрганилди. Масалан, қушларнинг куйлаш жараёни. Улар навбатни бир-бирига илиниб, бири бошлаган куйни бошқаси давом эттирар экан. Маймунларнинг чинқириқларида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин.

### УЧАР ТАРЕЛКАЛАР ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТ СИР ТУТИЛМОҚДАМИ?



**Бир муддат олдин ҳавaскор тадқиқотчи НАСА обсерваториясидан олинган Қуёш тасвиридаги ғайритабиий ҳолатларларни аниқлади — юлдуз яқинида оқ рангли объект пайдо бўлиб, ўзидан излар қолдирган.**

Шундан сўнг "Мазкур объект Қуёшга яқинлашдими ёки у доимо Қуёш атрофида бўлганми?", "Балки Қуёшдан тўла қувват олиб, йўлида давом этган бирор космик кемадир" каби жумбоқли саволлар кўпая борди.

Бу ҳақидаги видеоролик "рамблер.ру" электрон нашрида жойлаштирилди. Видеода ёруғлик ёнида пайдо бўлган шарсимон шаклдаги қора объектни кўриш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг ўлчами Ер сайёрасиникидан кичик эмас. Аввалига юлдузга бириктирилгандек кўринган объект бироз муддат ўтиб кўздан ғойиб бўлган. Уфологларнинг айтишича, мазкур тасвир Қуёш тизимида ўзга сайёраликлар фаол ҳаракатда эканидан далолатдир.

НАСА олимлари эса тайинли изоҳ беришгани йўқ. Улар бу объект эмас, балки Қуёш протуберанеци (Қуёш четидан отилиб чиқиб, ёниб турган газ алангаларидан бири) эканини уқтиришга ҳаракат қилишмоқда. Бироқ соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, протуберанецлар, одатда, жуда ёрқин бўлади. Шакли ҳам тасвирдаги каби мукаммал бўлиши мумкин эмас. Жумбоқ ҳануз сирлигича қолмоқда.

**Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

Криминал

# АҚШ ГЕНЕРАЛИНИНГ "ТОШКЕНТЛИК МАЪШУҚАСИ"

Сўнгги йилларда "Нигерия мактублари" деб номланган электрон ёзишмалар товламачилиги авж олиб кетди. Айтиш жоизки, бундай фирибгарлар ноғорасига ўйнаган кўплаб одамлар, айниқса, ёшлар ҳавойи ҳисҳаяжонга берилиб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўймоқдалар.




Мавжуд маълумотлар асосида айтиш мумкинки, бундан қарийб 40 йилча аввал Африканинг нисбатан қолоқ давлати — Нигериядан дастлабки ёзишмалар дунёнинг турли мамлакатларига жўнатила бошланган. Йиллар ўтгани сари миллионлаб бундай мактублар секин-аста ўз мижозлари сонини кўпайтириб борган.

Гап шундаки, ёзилган мактублардаги таклиф ва истаклар шундай усталик билан битиладики, хатни олиб ўқиган кишиларнинг кўпчилиги ҳавойи ваъдаларга чиппа-чин ишониб, тўрга тушиб қолади. Шу йўл билан нигериялик товламачилар йил давомида миллионлаб доллар ишлаб олади. Бошқача айтганда, ушбу йўл билан топиладиган маблағ давлат ғазнасини тўлдиришга қаратилган асосий омиллардан бирига айланади. Чунки баъзида бундай қинғир ишларга давлат идоралари, банклар ва бошқа ташкилотлар ҳам бош қўшади.

Дарҳақиқат, амалга оширилиши керак бўлган ҳийлада давлат ташкилотларининг ҳақиқий муҳрлари, ишонч қоғозлари ва зарур далил сифатида ишлатиладиган бошқа ҳужжатлардан ҳам фойдаланилади.

Идорамизга кўп йиллар мактабда муаллимлик қилган киши келиб, қўлидаги бир варақ қоғозни авайлаб бизга узатди: "Бошимизга бахт қуши қўнган кўринади. Шу масалада сиздан ёрдам сўраб келдим. Қўшни мамлакатлардан бирида телефон рақамларига лотерея ўйналибди. Омадни қаранг, айнан бизнинг рақамимизга машина ютуғи чиқибди. Ютуқни олиб кетиш тўғрисидаги таклифни қўлимга олишим биланоқ, қўни-қўшни, қариндошларга ҳам билдирмай, сизлар билан бамаслаҳат иш юритайин, деб шу тарафга келавердим", деб сўзини якунлади у. Бу орада мен меҳмон олиб келган хат мазмуни билан танишиб чиқишга улгурдим. Чамаси у хатдаги асл мақсадни яхши тушунмаган кўринади.

— Биздан нима истайсиз?, — деб сўрадим.

— "Имкон бўлса, мени таклиф қилган ўша мамлакатга бориб-келишга молиявий кўмак берсангиз...

Мен унга хатнинг сўнгги жумласидаги фикрни қайта-қайта тушунтиришга ҳаракат қилдим — ютуқни олишга келишдан аввал қуйида кўрсатилган манзилга, меҳмонхона ва бир ҳафталик кундалик харажатлар учун 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни тезда жўнатиши кераклиги таъкидланган эди. Меҳмонга оддий товламачиликдан иборат номани тушунтиришимиз учун салкам бир соат вақт кетди.

Яна бир мисол. Нигериялик бир аёл акаси космонавт экани, 1990 йили советлар давлати томонидан учирилган космик кемада фазога учгани ҳақида интернет тармоқларига хабар тарқатади. Хабарда Россия ҳукумати ўз космонавтларини Ерга қайтариш учун алоҳида космик кема учирганида, нигериялик космонавтга жой етмагани боис у ҳануз космосда эканини ачиниб ёзади.

*Хушсурат ва келишган ёш генералнинг номалари қиз кўнглида ҳаяжон уйғотади. Кунлар ўтиб, улар бир-бирига ўрганиб, кўнгил қўяди. Генерал хатларининг бирида сўққабош экани ва ўзига мос умр йўлдоши қидираётганини ёзади, "сенга ўхшаган аёл учраб қолса, иккиланмай уйланган бўлар эдим" деб қўшимча қилади. Содда ҳамшаҳаримизнинг кўнглида ўзга юртларда бекаму-кўст яшаш истаги пайдо бўлади.*

Хатда ёзилишича, нигериялик космонавтнинг ўтган 26 йил давр давомида тўпланган ойлик маоши 15 000 000 долларга етган. Ушбу маблағни олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва Россия раҳбарларини космонавтни Ерга қайтаришга "кўндириш" учун бир неча минг доллар миқдорида маблағ керак. Агар хатни олган киши (жабрдийда деяверинг!) нигериялик хонимга моддий ёрдам берса, у космонавт қариндоши тўплаган катта миқдордаги маблағни тенг бўлишга розилигини билдирган.

Хушёр одам бундай ваъдалар билан ёзилган хатни ўқиган заҳоти СССР ва Россия космонавтлари рўйхатини топади-да, у ерда нигериялик космонавт бор-йўқлигини аниқлаб, шунга яраша хулоса чиқаради. Лекин афсуски, бунга ҳамманинг ҳам ақли етавермайди.

Энди бунисини эшитинг. Тошкент шаҳрида яшовчи бир қизга Афғонистонда кўп йиллар Америка ҳарбий бўлинмаларига қўмондонлик қилган ва юқори ҳарбий унвонга эга, ҳозир заҳирага бўшатилган инсондан электрон хат келади. Бир-икки ёзишмалардан сўнг истеъфодаги генерал ўз суратини қизга жўнатиб, у билан яқинроқ танишиш таклифини билдиради. Хушсурат ва келишган ёш генералнинг номалари қиз кўнглида ҳаяжон уйғотади. Кунлар ўтиб, улар бир-бирига ўрганиб, кўнгил қўяди. Генерал хатларининг бирида сўққабош экани ва ўзига мос умр йўлдоши қидираётганини ёзади, "сенга ўхшаган аёл учраб қолса, иккиланмай уйланган бўлар эдим" деб қўшимча қилади. Содда ҳамшаҳаримизнинг кўнглида ўзга юртларда бекаму-кўст яшаш истаги пайдо бўлади.

Орадан кўп ўтмай, ёзишмаларнинг бирида генерал қиз учун бир неча юз минг долларлик совға-салом жўнатмоқчи эканини ёзади. Совғалар кейинги ҳафтанинг фалон кунида Нью Йоркдан Тошкентга учиб борувчи одамлар орқали етказилиши айтилади. Айтилган куни қиз уйидан чиқмай, кечгача совғани пойлайди. Орадан кунлар ўтса ҳам совғадан дарак йўқ. Бир ҳафта ўтгач, генерал тағин хат ёзади. Узр сўраб, жўнатилган буюмлар аэропорт ходимларининг айби билан бошқа самолётга ўтиб қолгани ва юклар хозир Европа давлатларининг биридаги аэропортда турганини, уларни ўз жойига қайтариш учун 2500 евро миқдоридаги пулни ўша аэропорт ҳисоб рақамига жўнатиш кераклигини айтади. Яхшиямки, ҳамшаҳаримиз ўзига пишиқ экан, турли йўллар билан генералнинг қаерда яшаши ва нима иш билан шуғулланишини суриштиради. Буни қарангки, генерал ростдан ҳам ҳаётда бор экан. У тўғридаги деярли барча маълумотлар тўғри эди. Фақат генерал ҳеч ким билан интернет орқали хат ёзишмаганини айтиб, узр сўраган. Тошкент билан ёзишмалар олиб борган кимсани эса, кимлигини аниқлашнинг иложи бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида турли воқеалар сабаб бошқа давлатларда қолиб кетган инсонлар тақдирини яхши ўрганган "устакорлар" ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Ўтган йилнинг апрель ойида Бирлашган миллатлар ташкилотининг масъул ходимиман деб ўзини таништирган бир кимса, БМТдек обрўли халқаро ташкилотнинг ёзишмалар бланкасидан фойдаланган ҳолда бир танишимизга хат йўллаган. Хатда унинг амакиси АҚШда яшаб ўтгани ва яқинда вафот этгани айтилиб, ўша собиқ жангчидан Ўзбекистондаги қариндошлари учун икки миллион доллардан ошиқроқ мерос қолгани ҳақида хабар беради. "Шу ишда сизга адвокат сифатида ёрдам бермоқчиман", деб ўз хизматини таклиф қилади. Хат давомида мерос қилиб қолдирилган маблағни тегишли одам номига ўтказиб бериш учун вақт жуда кам қолгани, ишни тезроқ амалга ошириш учун 3000 доллар пул маблағи кераклигини ҳам қистириб ўтган.

Кўриниб турибдики, хатлар турлича бўлгани билан улардаги мақсад бир хил –лақмаларни чув туширишдир.

**Абдумажид ТЎРАЕВ**

Эълонлар

**«FERGANA TORG INVEST» МЧЖда**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига *AT O'ZSANOATQURILISHBANK Фарғона минтақавий филиалига қарашли, бошланғич баҳоси — 24 704 000 (йигирма тўрт миллион етти юз тўрт минг) сўмлик GM UZ NEXIA DONC русумли, 2003 йилда и/ч, д/р: 40 510UAA, техник ҳолати носоз ҳолда бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.*

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 30-июль куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Талабномалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 27-июль соат 16:00.

Талабгорлар диққатига! Автотранспорт воситаси 2018 йилнинг 30-июл кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2018 йилнинг 10 ва 30 август кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини «FERGANA TORG INVEST» МЧЖ нинг «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Х/Р: 2020 8000 3006 0628 0001. МФО: 01123. СТИР: 303876901. Манзил: Фарғона шаҳар, Фаробий кўчаси, 7-уй. Тел: +99890-274-00-79.

*Гувоҳнома № 002820.*

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино 1-мавзе 15-уйда жойлашган Ахмедов Дилмуродга тегишли 88-хонадоннинг уй ҳужжатлари (кадастири) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Sirli olam" хусусий корхонаси ўз иш фаолиятини тўхтатаётганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Ариза ва мурожаатлар бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети томонидан 2015 йил 5-июнда Қурбонова Гулноз Фахриддин қизига берилган В №054695-рақамли бакалавр дипломининг иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ДЕКЛАРАЦИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

## Мамлакатимизда сўз, ахборот, эътиқод, фикр ва ғоялар эркинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

**Жорий йилда бутун дунёда кенг нишонланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигига мамлакатимизда ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 майдаги фармонига мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланди.**




Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўзининг ифодасини топган. **Декларациянинг 19-моддасида** қайд этилган инсоннинг эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқи, ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Конституциямиз ва қонунларимиз талабига кўра, сўз, ахборот, эътиқод, фикр ва ғоялар эркинлиги ҳамма фуқароларга тегишли ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир»**.

Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, фикр эркинлиги аслида ҳам фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятини бор бўй-басти билан очиб берувчи адолат, ошкоралик, демократия тушунчаларига тўла ҳамоҳанг. Истиқлол йилларида бу тушунча ва қадриятлар жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаши йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ҳамда шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги тегишли моддалар ҳамда соҳага тааллуқли бир қатор қонун ҳужжатлари мажмуидан иборат оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асос вужудга келди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган **«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»** бошқа соҳалар қатори жамиятда сўз, фикр, ахборот эркинлигини янада таъминлаш йўналишини ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. Мазкур дастуруламал ҳужжат ўз моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг «йўл харитаси»га айланди.

Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур, деб уқтирди Президентимиз. Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқиш улар фаолиятида асосий мезон бўлиши керак.

Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида биргина 2017 йилнинг ўзида маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда **«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»** деб эълон қилинган 2018 йилда ҳам бу борада изчил иш олиб борилмоқда. Бунда, албатта, жамият ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларимуҳим омил ҳисобланишига таянилмоқда.

Айни пайтда **юртимизда бир минг беш юздан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда.** Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Мавжуд босма даврий нашрларнинг 53 фоизи, телерадиоканалларнинг 85 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда. 330 дан зиёд веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 98 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келади.

Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар керак. Аммо, бундай кенг кўламли вазифани талаб даражасида ҳал этадиган таянч олий ўқув юрти мамлакатимизда шу вақтга қадар мавжуд эмас эди. Шуни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан **Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди.** Ушбу олий ўқув юртига 2018-2019 ўқув йили учун бакалавр

1

таълим йўналишлари бўйича 100 нафар, магистратура йўналиши бўйича 30 нафар, олий журналистика курсларига 6 нафар, жами 136 нафар талаба қабул қилиш бўйича ишлар бошланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш» деб номланган биринчи устувор йўналишида кўзда тутилган **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги қонун 2018 йил 12 апрелда қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат фуқароларимизнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришга бўлган конституциявий ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Қонунда жамоатчилик назоратининг субъектлари, объекти, унинг асосий тамойиллари белгиланган. Жумладан, жамоатчилик назорати субъектларига фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари киритилган. Жамоатчилик назоратининг объекти эса давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидир.

**Шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан, жумладан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Бу янгиланишлар биринчи навбатда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хориж тажрибаси ҳамда миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлашга хизмат қилади.

**«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун**нинг 11 та моддасига ўзгартиш киритилиб, 3 та янги модда билан тўлдирилди. Хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар ҳам оммавий ахборот воситаси сифатида эътироф этилди. Веб-сайтлар тўғрисидаги норма ушбу Қонунда аввал ҳам мавжуд эди-ку, деган мулоҳаза пайдо бўлиши табиий.

> «Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўрови» деб номланган ушбу моддага мувофиқ, оммавий ахборот воситаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади.
>
> Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Гап шундаки, аввалambор, Қонуннинг «Оммавий ахборот воситалари» деб номланган 4-моддасида берилган таърифда илгари қўлланилган **«умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар»** жумласи эндиликда **«Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар»** деб ўзгартирилди.

Қонуннинг 20-моддаси эса: **«Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилган тақдирда веб-сайтнинг домен номи кўрсатилади, бунда ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотларни тақдим этиш талаб қилинмайди»**, деган мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, 27-модда матнига қуйидаги мазмундаги биринчи қисм киритилди. Яъни: **«Ахборот ташувчи жисмларга ёзилган, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган, электрон техник қурилмалар ёрдамида фойдаланишга мўлжалланган газе-**

2

**талар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқа даврий босма нашрлар даврий босма нашрнинг электрон шаклидир»**.

Қонун 27(1)-модда билан тўлдирилган бўлиб, ушбу янги модда **«Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси»** дея номланади. Унда **«Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси Интернет тармоғидаги таҳририй-ноширлик жиҳатидан ишлов берилган, ўзгартирилмаган тарзда тарқатиш учун мўлжалланган, электрон шаклдаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурсидир»**, деган таъриф баён этилган. Бундан ташқари, мазкур веб-сайтлар бош саҳифаларида қайд этилиши шарт бўлган маълумотлар санаб ўтилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, XXI аср жамият ҳаётига ахборот асри сифатида кириб келди. Замонавий ахборот ва алоқа технологияларининг ижтимоий ҳаётимизда кенг қўлланилиши ахборотнинг жамият ривожланишига таъсир ўтказувчи асосий омиллардан бирига айланди. Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, Интернет кундан-кун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда қонунчилигимиздаги ушбу янгиликларнинг аҳамияти, айниқса, долзарб экани шубҳасиз.

Айни чоғда, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тадбиркорлик субъекти ва фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тартибга солишга қаратилган нормалар амалиётга жорий этилгани ҳам таҳсинга лойиқдир.



«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси: **«Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш тақиқланади»**, деган нормалар билан тўлдирилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари асосида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлашга ниҳоятда катта эътибор қаратилаётганининг яққол тасдиғидир.

Қонунга **«Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш»** номли 5(1)-модда ҳам киритилди. Ушбу янги моддани амалиётга жорий этишдан мақсад оммавий ахборот воситалари фаолиятини тадбиркорлик субъекти ва фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тартибга солишдан иборат.

Бундай нормалар, Адлия вазирлиги матбуот хизматининг шарҳида баён этилганидек, Австрия, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Молдова, Грузия каби бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида ва Европа Итифоқи тавсияларида мавжуд. Уларда ОАВга солиқ ва божхона имтиёзлари, давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, тарифларни тушириш бўйича электрон ОАВга техник хизмат кўрсатиш, газеталар нашриётининг қарзларини камайтириш, шунингдек, таҳририятларга давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан тўғридан-тўғри субсидиялар тақдим этиш кўзда тутилган. Шунингдек, Австрия, Буюк Британия, Италия, Франция, Германия, Россия, Украина, Корея Республикаси қонунчилигида ОАВга солиқ ва божхона имтиёзлари қўллаш орқали ҳам ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш белгиланган.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига ўзгартиш киритилди ва оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати ўн беш кун этиб белгиланди. Илгари бу муддат бир ой эди. Натижада

3

мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг рўйхатга олиниши ва имкон қадар тезроқ ўз фаолиятини бошлаши йўлида яна бир енгиллик юзага келди.

Маълумки, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини ошириш мақсадида 2014 йил 5 майда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонун ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг янада шаффоф, очиқ бўлишини, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан, республикамизда ва ундан ташқарида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидан аҳолининг тўлиқ хабардорлигини таъминлаш йўлида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда.

Янги давримизнинг шиддатли ислоҳотлари давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг янада кенг ва очиқ-ошкора фойдаланишини таъминлаш масаласини кун тартибига қўйди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз илгари сурган **«Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун»** ғоясининг мазмун-моҳияти ва Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар талабидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда.

Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга доир нормалар жорий этилаётгани аҳамиятлидир. Бу ҳақда сўз борганда, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун 35(1)-модда билан тўлдирилганига эътибор қаратиш даркор.

**«Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўрови»** деб номланган ушбу моддага мувофиқ, оммавий ахборот воситаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади.

Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади. Сўров рад этилган тақдирда, оммавий ахборот воситасига асослантирилган жавоб юборилади.

Шу ўринда **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун**га ҳам иккита ўзгартириш киритилгани хусусида тўхталиш зарур. Яъни, 3-модданинг бешинчи хатбошисидаги «кутубхоналардаги, архивлардаги» сўзлари **«ахборот-кутубхона муассасаларидаги, архивлардаги, идоравий архивлардаги»** деган; 6-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «кутубхоналарнинг, архивларнинг» сўзлари эса **«ахборот-кутубхона муассасаларининг, архивларнинг, идоравий архивларнинг»** деган сўзлар билан алмаштирилди.

Бир қарашда булар таҳририй нуқтаи назардан киритилган жузъий тузатишлардек кўринса-да, ушбу ўзгартиришларнинг аҳамияти жуда муҳим. Бу ўринда, аввало, «ахборот ресурслари» деган асосий тушунчага таъриф берилган бўлиб, янги ўзгартиришлар эвазига бу тушунчанинг қамрови кенгаймоқда. Мазкур ўзгартиришлар, шунингдек, журналист эркин ва монеликсиз ахборот оладиган ахборот ресурслари, биринчидан, **«ахборот-кутубхона муассасалари»** тимсолида замонавийлашганини кўрсатса, иккинчидан, ушбу ахборот ресурслари **«идоравий архивлар»** ҳисобига кенгайганидан далолат беради.

4

Ўз навбатида, **«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун**нинг 9 та моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Қонун 7(1)-модда билан тўлдирилди. Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган нормалар 2-моддага кўчирилгани сабабли чиқариб ташланди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар журналистлик фаолиятининг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга, журналистларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган.

Ушбу янгиланишларнинг замирида, бир томондан, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги долзарб нормалар акс эттан бўлса, иккинчи томондан, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмаслигига доир конституциявий талабга қатъий амал қилиш механизмлари ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳеч ким журналистдан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини, эфирга берилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслигига оид қатъий нормалар қонундан ўрин олган.

«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга, шунингдек, журналистнинг давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиши, журналистлик сирини ошкор этмаслиги, журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишига оид меъёрлар киритилган.

Хусусан, Қонун **«Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари»** номли 7(1)-модда билан тўлдирилган. Мазкур янги моддада қайд этилганидек, **«Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистнинг шахсига ва ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида унинг хулқ-атворига қўйиладиган талабларни белгиловчи қоидалар мажмуидан иборатдир. Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг бирлашмалари томонидан белгиланади»**.

Бу нормалар юртимизда жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили бўлмиш оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришда катта аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятларига риоя қилинишида журналист фаолияти билан боғлиқ турли низоларни ҳал этишга ҳам тўғри келади. Бунда журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари тегишли муаммога носудлов йўл билан ижобий ечим топиш имконини беради.

Қолаверса, журналистнинг касб маҳоратига доир бир қатор тамойиллар мавжудки, халқаро тажрибага кўра уларни қонунларда эмас, балки айнан **«Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари»** каби ҳужжатларда акс эттириш мақбулдир.

Мисол учун, журналистлик касби билан боғлиқ барча ишларни виждонан, адолатли, ҳалоллик ва қатъият билан бажариш, мулоҳаза билан иш юритиш; ўз ўқувчиларида бошқа халқларнинг эҳтиёжларини жинси, ирқи, тили, миллий мансублиги, диний қарашлари ва ғоявий эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар, ҳисобга олиш ҳиссини уйғотиш орқали миллатлараро муносабатлар маданияти тарбиясига кўмаклашиш; шахсий эҳтиросларга эмас, мутахассис мулоҳазаларига асосланган таҳлилий ахборотларни тарқатиш; маълумот олишда жисмоний ва юридик шахсларнинг рад этиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ахборот олишнинг қонун билан кафолатланган ҳолатларидан ташқари барча ҳолларда босим ўтказмаслик, товламачиликка йўл қўймаслик, одоб қоидаларига риоя қилиш каби тамойилларни санаб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда барча жабҳалар каби оммавий ахборот воситаларини янада равнақ топтириш, соҳа ходимларининг эркин ва самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамият ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил эканига жиддий эътибор қаратгани, шу асосда чинакам профессионал замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситалари, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида янги ташаббусларни илгари сурилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, жамиятда кечаётган ислоҳотларни теран таҳлилий назар, холис ва ҳаққоний муносабат ва ёндашув асосида баҳолаш биз – журналистларнинг асосий бурчимиздир.

**Ғулом МИРЗО,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**



5

**Аждодларимиз ўгити**

# Ўз замони билан ўтган замонни тарозу қилиб

**Бу замин улғайтирган йирик аллома, мутафаккир, шоиру адибларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини гапириб адо қилолмаймиз. Биргина, Наманганнинг ўзи қанчадан қанча улуғ зотлар – Махдуми Аъзам, Мавлоно Лутфулло Чустий, Бобораҳим Машраб, Фазлий Намангоний, Нодим Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Исҳоқхон тўра Ибрат, Чустий домла, Усмон Носир, Зафар Диёрга бешик бўлган. Уларнинг барчаси элни маърифатга етаклаган.**

Исҳоқхон тўра Ибрат 1862 йилда Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида дунёга келган. Онаси Ҳурибиби мактабдор бўлган, унинг мактабида қишлоқ қизлари ўқиш, ёзиш, ҳуснихатдан таълим олишган. Ибратнинг ҳам илк саводи онасининг қўлида чиқди. Шу боис, бир умр ўз асарларида волидаи муҳтарамасини биринчи устози сифатида эҳтиром билан эслаб ўтади.

Ибратни XIX аср бошларида Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасига беришади. Мадраса таҳсили йилларида у Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Ҳазинийлар билан яқин мулоқотда бўлади. Шарқу ғарб олимлари асарларини мутолаа қилади. Рус ва ўзбек тилларида чоп этилган "Туркистон вилоятининг газети" ҳамда Исмоилбек Гаспиралининг "Таржимон" газетаси билан мунтазам танишиб боради.

У мадрасани тугатгач, ўз қишлоғида мактаб очади. Мактаб янгича таълим асосида фаолият юритгани учун маҳаллий ҳукмдорлар қаршилигига учраб, тезда ёпилади. Кейинчалик Ибрат домла онаси билан ҳаж зиёратига жўнайди. Онаси Жидда шаҳрида вафот этади. Онасини дафн этиб, Ҳаж зиёратини ўтагач, сафарини давом эттиради. Истанбул, София, Афина, Рим каби Европа шаҳарларида бўлди. Жидда, Кобул, Бомбей, Калкутта шаҳарларида яшайди. Шу тариқа у араб, форс, турк, ҳинд-урду, инглиз, рус тилларини мукаммал ўрганади. Шарқ ва Европа халқлари маданияти, санъати, умуман олганда, ҳаёти билан танишиб келажакда ёзиладиган асарлари учун маълумотлар тўплайди. Ибрат домла қаерда бўлмасин, ўша ерлик олиму уламолар билан танишади. "Ҳар бир заввор ва аҳли фазл кишини кўрсам, кайфият ва таълимот маолларини андин сўрадим", деб ёзади кейинчалик бу ҳақда ўз эсдаликларида.

Жаҳонгашта олим сафар давомида шарқ ва ғарб мамлакатларидаги илм-фан, илғор техника ютуқларидан баҳраманд бўлиб, уларни халқимизга ҳам илинади. Унинг янгича ўқув услубига эга мактаб, кутубхона, босмахоналар ташкил этгани юқоридаги фикримизни исботлайди. Саёҳатлар, илму ҳунар ўрганишга бўлган ғайрат-шижоат Исҳоқхон тўра Ибратни замонасининг энг пешқадам маърифатпарвар шоири, олими, илғор маорифчиси, публицисти бўлиб етишишига сабаб бўлди.

Ибрат домла тарихчи олим сифатида "Тарихи Фарғона", "Тарихи маданият", "Меъзун ул замон" асарларини яратди. Бу асарларни яратишдан олдин Шарқу ғарб тарихнавислари асарларини синчиклаб ўрганди. Эътиборли жиҳати, у ҳаққонийлик матлаби билан ёзди. Муаррих тарихий воқеаларнинг фақат ҳикоячисига айланиб қолмасдан ҳар бир ҳодисага ўз муносабатини билдиради. Шунингдек, олдин ёзилган тарих китобларидаги бир ёқламачилик, асоссиз мақтов ёхуд танқидларга нисбатан қарашларини ифода этди. Олимнинг ўз сўзлари билан айтадиган бўлсак, "Тарихи Фарғона" асари "изҳори ҳунар ёки мусаннифлар қаторига кирмак" учун эмас, балки "ўз замони билан ўтган замонни тарозу қилиб, вазнини билсун учун" ёзганлигини дарж этди. Тарихий асарларга бундай муносабатда бўлиш халқ ҳаётини ҳаққоний акс этишига мезон бўлиб хизмат қилади.



Ўқувчи "Тарихи Фарғона" асари орқали Нодира, Муҳаммад Алихон, Фазлий Намангоний, Гулханий, Махмур, Ҳозиқ каби қатор тарихий шахслар ҳамда улар билан боғлиқ воқеалардан ҳам бохабар бўлади. Ибрат география олим сифатида Фарғона водийсининг географик тавсифномасини ҳам беради. Водийнинг тоғлари, дарёлари, ҳайвонот ва наботот олами, иқлими, табиати, ерлик аҳоли, уларнинг касбу корлари – ҳунармандчилик, боғдорчилик, савдо-сотиқ ишлари хусусида батафсил ҳикоя қилинган. Шунингдек, муаррих жой номлари билан боғлиқ аниқ маълумотлар ҳам бериб ўтадики, бу ҳам ўқувчи эътиборини ўзига жалб этади. Масалан, Наманган ва Тўрақўрғон жой номларини олайлик. Ҳамма ҳам бу жой номларининг асл ўзаги – маъносини билмайди. Асардан бир парча келтирамиз: "... *Намангон асли намангон эмасдур. Форсий лафзи бирла намакон – намак кондур. Мунинг маъниси шул эканки, бизни Чиғатой тилида асли гон йўқ, бу шеваи форсийдур. Чиғатойда "кон" ёки "гон" ё "қон" бўладур. Бу лафзи "гон" "кон"ни осон қилиб, "гон" дейдур. Ёки форсийлар ихтилоти ва ҳам бу боний лафзи форсий учун "гон" деб машҳур ва бу лафзда мазкур бўлди.*" Яна бир иқтибос келтирамиз, "...*Тўрақўрғон деб машҳур бўлмоғи боний Шиғайхоннинг (Шиғайхон номи билан машҳур бўлган дашти қипчоқ хонларидан Аҳмадхон назарда тутилган. – изоҳ Ғ.М) Яъқуб тўра ва Юсуф тўра деган икки ўғли. Бу қалъа хонга қўрғон қилган жиҳатдин Тўрақўрғон деб нисбат бўлган. Асл исми Қалъаи хондур, туркийси – Тўрақўрғон*". Англашиладики, бу жиҳатдан Ибрат домла улуғ темурийзода аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб "Бобурнома" асари анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттирган.

"Тарихи маданият" ва "Меъзун ул замон" асарларида таълим, мактаблар фаолияти ҳақида сўз юритди. Шаҳар ва қишлоқларда эркак ва аёл, ўғил ва қиз болалар мактаби очиш долзарблигини билдирди. Таълим-тарбияга оид янги-янги дарсликлар, рисолалар ёзиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Газета ва журналлар чиқариб халқнинг онгу шуурини ошириш ишлари унинг диққат марказида бўлди. У бу фикрларини илғор мамлакатларда кўрган-билганлари билан уйғун ҳолда ифода этди. Қиёс ва таклифлар муштараклигида ёзилган асар ҳар қандай китобхон эътиборини тортади. Ушбу асарлар орқали Ибрат домла бу юртни ва унинг аҳлини жаҳон саҳнида айтадиган сўзи бўлишига катта умид боғлади.

Тилшунослик соҳасида фаолият юритиш, луғат тузиш ишлари жуда мураккаб. У кишидан катта меҳнат, билим ва тажрибани талаб этади. Исҳоқхон тўра Ибратнинг "Луғати ситта ал-сина" ("Олти тилли луғат") ҳамда "Жомеъ ул хутут" ("Ёзувлар мажмуаси") асарлари ана шундай машаққатларга қилинган сабру тоқат мевасидир. "Луғати ситта ал-сина" – ўзбекча, арабча, форсча, туркча, ҳиндча, русча сўзларни ўз ичига олган. Бу китоб шарқ ва ғарб тилларини мукаммал билган олимдан муносиб туҳфа дейиш мумкин. Исҳоқхон тўра Ибратнинг луғати жонли тилда қўлланиладиган фаол сўзлардан таркиб топгани сабаб, фарзандларини янги мактабга берган кишилар учун ғоят муҳим қўлланма бўлган. Шу боис, у нашр этилишидан аввал қўлёзма тарзида кўчирилиб, эл орасига тарқалган. Ана шундан кейин тилшунос уни нашр этишга ҳаракат қила бошлаган. Бу китоб 1901 босмадан чиққан.

Миср фиръавнларидан бири ўғлига шундай мазмунда мактуб қолдирган экан: "Ўғлим, темирчилар оғир меҳнат остида кун кечиралилар. Косалари оқармайди. Этикдўзлар этик тикиб, рўшнолик кўрмай ўтиб кетадилар. Тош йўнувчилар тинмай ишласалар ҳам камбағалликдан бошлари чиқмайди. Шунинг учун сен хат ёзишни ўрган, саводли бўл, хат ёзишни билган одам бахтли бўлади." Хат-савод чиқариш ўша даврда ҳам, бугун ҳам долзарб. Пиктографик ёзувлардан сўнгги давр ёзувларига қадар бўлган жараён, тарих барча учун қизиқарли мавзу. "Жомеъ ул хутут" ("Ёзувлар мажмуаси") асари эса ёзувлар тарихига бағишланган бебаҳо рисоладир.

Ибрат домла 1908 йил Оренбургдан литографик жиҳозлар тўпламини олиб келиб, "Матбааи Исҳоқия" босмахонасига асос солди. Фарғона водийси матбаачилигининг илк корхонаси бўлмиш босмахонада ташаббускорнинг асарлари, дарсликларидан ташқари газеталар чоп этиш йўлга қўйилди. Ибрат домла даврнинг энг илғор публицисти ҳам бўлган. Унинг мақолалари, шеърларининг асосий қисми "Туркистон вилояти газети" саҳифаларидан эълон қилинган. Шунингдек, журналист сифатида у "Садои Туркистон", "Садойи Фарғона" нашрларида ўз ижоди билан мунтазам қатнашиб турди.

Ибрат домланинг яна бир улуғ хизмати у янги услубларда сабоқ беришга асосланган мактаб очди. Унда шу ерлик болалар бепул таълим олдилар. Ўз уйида очилган ушбу мактаб парта, стол-стул, доска, глобус кабилар билан жиҳозланган. У мактабда бир ҳафталик дарс жадвали жорий этган. Дарслик сифатида "Устоди аввал", "Адаби аввал", "Муаллимус соний" дарслик-қўлланмалар ҳамда ўзининг "Санъати Ибрат, қаламй Мирражаб Бандий", "Луғати ситта ал-сина" асарларидан фойдаланди. Улуғ маърифатпарвар кутубхона ташкил этиб, уни "Кутубхонаи Исҳоқия" деб номлади. Ушбу зиё маскани мактаб ўқувчилари билан бир қаторда, водий китобхонларининг севимли даргоҳига айланди.

Исҳоқхон тўра Ибрат ўз шеърларини жамлади ва уни "Девони Ибрат" деб атади. Унинг "Кўргони келдим соғиниб", "Хуш келдингиз", "Қалайсизлар", "Чаман ичра", "Адо қиласиз", "Газета хусусида", "Қарз", "Туркистон аҳлига хитоб" каби манзумалари мавзу кўлами, бадиий жиҳатдан мукаммаллиги билан алоҳида эътиборга молик. "Газета хусусида" шеърида шундай мисралар бор:

*Газет кўрмаган,*
*бехабар халқлар,*
*Мисли ўлгандур ва*
*ё ухлаган.*

Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. Кишиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжи борган сари ортиб бормоқда. Шу маънода, газет сўзини интернет деган гап билан ҳам боғлаш мумкин. Мавзуга ана шу жиҳатдан ёндошсак, бу мисралар бугунимиз учун ҳам аҳамиятли. Шоирнинг бундай маърифатпарварлик руҳида ёзилган асарлари кўп.

Улуғ маърифатпарвар шоир, олим, педагог, публицист, саёҳатчи, бир сўз билан айтсак, қомусий билимлар соҳиби бўлган аллома Исҳоқхон Ибрат бутун ҳаёт ва фаолиятини заҳматкаш, меҳнаткаш халқига бағишлади. Мустақиллик орзуси билан яшади. Бу элни, юртни озод ва обод кўриш истаги унинг ҳар бир асарида акс этди. Бироқ, умрининг сўнгги йилларида 75 ёшни қоралаган кекса донишмандни "халқ душмани" сифатида ҳисбга олишди. Қамоқдаги жисмоний ва руҳий азоблар бу улуғ зотнинг дунёни тарк этишига сабаб бўлди.

**Президентимиз Наманган вилоятига ташриф буюрган чоғида у зотнинг шахсиятига алоҳида эътибор қаратгани, бу ерда махсус Ибрат мактаби очиш зарурлиги ва бу мактабга нафақат вилоят, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан энг иқтидорли ёшларни ўқишга жалб қилиш кераклигини таъкидлагани бежиз эмас. Шоир, ношир, муаррих, муаллим, публицист, луғатшунос, элшунос, табиатшунос ва энг аввало, миллатпарвар инсон Исҳоқхон тўра Ибратнинг ҳаёт ва ижод йўли йиллар ўтган сари халқимизга ибрат мактаби бўлиб қолаверади.**

**Ғайрат МАЖИД**

**Фикр**

# Боқимандаларнинг кўзи очилса

Ўн беш йилча бурун таниқли рус олими Никита Восеевнинг "Информационное общество" ("Ахборот жамияти") китоби дунё сиёсатчиларининг эътиборини тортди. Олимнинг қарашлари акс этган тўпламда шундай сатрларни ўқиш мумкин: *"Эндиликда давлатлар эҳроми чўққисини ҳозиргидек энг кўп қурол-яроғ ишлаб чиқараётган мамлакат ҳам, ер бағридан энг кўп бойлик қазиб олаётган давлат ҳам, ҳаттоки, энг кўп ҳисоблаш ва бошқа электрон асбоблар ишлаб чиқараётган салтанатлар ҳам забт этолмайди..."* Муаллифнинг фикрича, бундан буён янги илмий ва техникавий ғояларни қўллаб-қувватлаган, фуқаролари юқори малакали ва тартиб-интизомга қатъий риоя этувчи ҳамда юксак "жамоавий ақл"га эга мамлакатларгина олдинги марраларни эгаллайди.

Соддароқ айтсак, мамлакат жадал ривожланиши учун халқининг дунёқараши, онгидаги замонавий ўзгаришлар муҳим ўрин тутар экан.

Шукр, одамларимиз қараши жуда тез ўзгариб боряпти. Кимдир фарзандлари учун қурилаётган замонавий ўқув масканлари, турар-жойларни, яна кимдир, ўз турмуш даражаси ошаётганини, бошқа биров эса давлатимизнинг халқаро нуфузи юксалиб бораётганини кўриб, қувонмоқда. Бундай ўзгаришларга ўзининг фаол ҳиссасини қўшмоқда.

Яқинда Узоқ шарқда бир муддат ишлаб қайтган танишим билан учрашиб қолдим.

*"Денгиз портларидан бирида юк туширдим, – деди у. – Атрофимдаги ишчилардан бири мункиллаб қолган аёл, момо эди. Унинг қийналаётганини кўриб, эзилардим: "Ишлаши шартмикан? Кексалик нафақасига шукр қилиб, худо деб уйида ётса бўлмасмикан?"*

Бир куни шу саволни унинг ўзига бердим. Аввалига у гапимни тушунмади. Кейин шундай жавоб берди: *"Кексайган ҳар касга нафақа берилаверса, буни қайси мамлакат хазинаси кўтара олади!"*. *Қисқаси, шундай буюк давлатда кексалик нафақаси ҳаммага ҳам берилмаслигини ўшанда билдим. Яна шуни англадимки, дунёнинг аксарият мамлакатларида ўзи ишлаб топган пулидан жамғариб борган пенсиясидан саноқли кишиларгина нафақа олар экан. Ҳамкасб момомизга бизда, Ўзбекистонда кексалик ёшига етган ҳар бир фуқаро албатта моддий таъминотга эга бўлишини, пенсия олишини айтганимда, жуда ажабланди. Ишонмади"*.

Мамлакатимиз сарҳадидан нарига чиқмаган айрим юртдошларимизнинг "*хорижда ундай, бизда эса ҳали ҳам бундай*" деб давраларда гап сотиши кишига алам қилади. "*Берсанг ейман...*" қабилида иш тутадиган, мудом жамиятдан, давлатдан нолийдиган, чойхоналарда ғийбатдан бўшамайдиган бундай боқимандалар ўз атрофидаги қанчадан-қанча кишининг кўнглига ғулғула солиши, ишдан ва ҳаётдан совутиши мумкин.

Ҳа, қачондир, қайсидир давлат тараққиёт чўққиси сари ўрласа, уни забт этса, бунга энг аввало, ўша юрт халқининг дунёқарашидаги буюк ўзгаришлар, аҳиллиги, матонатли меҳнати, иродаси, онги, уйғоқ виждони сабабдир. Боқиманда кайфият билан ҳеч ким ҳеч қаерга боролмайди.

**Анвар МУСТАФОҚУЛОВ,**
**журналист**



# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

*юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, муҳтарам фахрийларимизни, интернет-сайт вакилларини*

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан**

**МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда омад ва ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз!*







Реклама 30/9

# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ВА РЕСПУБЛИКА ТОВАР ҲОМ АШЁ БИРЖАСИНИНГ "ДЎСТЛАР КЛУБИ"

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ**

*27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан*

**САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ**

*Барча ижодкорларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлидига ижодий ишларида улкан зафарлар, хонадонларига қут-барака тилаймиз!*










Реклама 30

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИ "БАРЛОС" МИНИ КЛАСТЕРИ ЖАМОАСИ

Республикамиз матбуот ва
оммавий ахборот воситаларида меҳнат
қилаётган барча ходимларни
касб байрамлари билан
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Сизларнинг ҳақ
сўзингиз ва ўткир қаламингиз ҳамиша
эзгуликка хизмат қилсин!
Илҳом ва ижод доимий ҳамроҳингиз бўлсин,
азиз журналистлар!










Реклама

# Ўзбекистон Фермер-деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Нарпай туман кенгаши

барча қалам аҳлини
матбуот ва ОАВ
ходимлари куни билан
ҚИЗҒИН
МУБОРАКБОД
ЭТАДИ.







Юртимизда амалга
оширилаётган ислоҳот ва
ўзгаришларни кенг оммага
тезкор ва сифатли етказиш
борасидаги
ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз.

Реклама 30/4

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “ИЛҲОМ” ЖАМОАТ ФОНДИ




*МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ*

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан*

*ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ*



**Барча ижодкорларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, эл-юртимиз равнақи йўлидаги ижодий ишларида улкан зафарлар, хонадонларига қут-барака тилайди.**



Реклама

## *Андижон вилояти Андижон тумани*

# “РАВОН ТАРАҚҚИЁТ ОРЗУСИ”

## *масъулияти чекланган жамияти жамоаси*

*Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан*

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

*Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширaётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.*

*Ишда ва ижодда асло хормангиз!*







30/6

Реклама 30/6

# Сирдарё вилоятидаги "Bek Cluster" МЧЖ қўшма корхонаси жамоаси

*Республикамиз оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган барча журналистларни касб байрамлари билан*

*ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ.*

*Оилаларига тинчлик-хотиржамлик, ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.*












Реклама

XALQ BANKI

**Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси 27 июнь – матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан соҳа ходимларини самимий муборакбод этади.**

*Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда Сизларни куч-ғайрат ҳеч қачон тарк этмасин!*

Фурсатдан фойдаланиб Халқ банки ўз мижозлари учун қуйидаги хизматни таклиф этади.




www.xb.uz info@xb.uz (0371) 200-00-55

КИТОБ МИЛЛАТНИНГ АҚЛ КЎЗИНИ ЁРИТУВЧИ ОФТОБДИР!

# ҒАФУР ҒУЛОМ
НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



Мамлакатимиздаги барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад тилаймиз.

**Китобларимиз ҳар бир хонадонда зиё таратиб турсин!**

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй.
Телефонлар: 241-35-47, 241-25-24, 241-83-29, 241-48-67, Факс: 241-82-69 www.gglit.uz info@gglit.uz

Реклама

*Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси*

*республикамизда фаолият кўрсатаётган барча ОАВ ходимлари, барча ижодкорларни касб байрами билан САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. Қалб амри билан ҳақ сўзни айтишдек заҳматли ишингизда ҳамиша зафарлар ёр бўлсин!*



75/18

AGROBANK

**“АГРОБАНК”ДАН ҲУНАРМАНДЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР!**



*“Ҳунарманд” уюшмасининг аъзосимисиз? Унда зарур мини-технология, асбоб-ускуна ва эҳтиёт-қисмларни харид қилиш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланинг!*

**Кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробари миқдорида 2 йил муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан ажратилади.**

➤ Асбоб-ускуна ва эҳтиёт-қисмлар хариди учун – 7 фоиз.

➤ Айланма маблағларни тўлдириш учун – 14 фоиз.

*Азиз ҳунармандлар фаолиятингизни*
**AGROBANK**
*билан ривожлантиринг!*

www.agrobank.uz
/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
App Store Google Play
тел.(+99871) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган


Газетамизнинг навбатдаги сони — 2018 йил 11 июль, чоршанба куни чиқади.


HURRIYAT Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир Қулман ОЧИЛ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 6 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Ахборот ҳамкоримиз: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

Адади: 3400 Буюртма — V-1874 1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20[00]
Топширилди — 18[00]

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Шавкат Муродов

“O‘zbekiston“ НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.